Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 28-iyun, juma ✱ № 26-27 (831) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида "Тўртинчи ҳокимият" сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг – бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевиденией ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Маданият ва маърифат", "Дунё бўйлаб", "Болажон" телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радиоканаллари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ, холис ва тезкор етказиш – давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад — халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 27 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу куни Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

4 ▶▶

ОЗОД ЮРТ, ОБОД КЎНГИЛЛАРГА БАЙРАМ ЯРАШАДИ

Ўтиб бораётган кунлар бизни энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Бу йил йигирма иккинчи бор нишонланадиган, юртимиз тарихи ва халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган, она Ватаннинг ўзидай муқаддас ва мўътабар ушбу санани ҳар биримиз орзиқиб кутмоқдамиз, уни кўп йиллар давомида қарор топган анъанага кўра, катта қувонч ва орзу-ҳаваслар билан чуқур тайёргарлик кўриб муносиб қаршилаш ҳаракатидамиз.

Шу йил 12 июнда муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрамни юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида қатор тадбирлар белгилаб берилди. Бу чора-тадбирлар, олдимизга қўйилган вазифалар замирида истиқлолнинг юрт тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини тарих ва ҳаёт ҳақиқатлари асосида намойиш этишдек масъулиятли мақсад бор.

Аслида ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

2 ▶▶

ЖУРНАЛИСТЛАРГА

Жаҳон аҳволидан ҳар лаҳза огоҳ,
Замондан ҳам хабардор журналистлар.
Ҳамиша хушхабарлар бирла ҳамроҳ,
Ҳамиша қалби бедор журналистлар.

Агар сўздан бино бунёд этурсиз –
Қаламни тоғдаги Фарҳод этурсиз,
Одамлар кўнглини обод этурсиз,
Шижоатга сазовор журналистлар.

Ҳалоллик бирла топгандир шараф-шон,
Билур хоксорлигин то Еру осмон.
Шу заҳматкаш, фидойи элга ҳар он
Бўлинг Сиз ҳам мададкор, журналистлар.

Бу олам маъниси — тинчлик, фароғат,
Қараб турмас вале бидъат, қабоҳат.
Туғансин деб жаҳон ичра жаҳолат —
Матонатга дахлдор журналистлар.

Буюк аждодларингиз сафда борлар,
Улар миллатга фахру ифтихорлар.
Баландни кўзлагай бургут ва сорлар,
Қиёси — номусу ор, журналистлар.

Сўзингиз шул гўзал, гулшан диёрдир,
Ҳаёт ҳам эзгуликдан навбаҳордир.
Ватан доим саодат бирла ёрдир,
Бу толе Сизга ҳам ёр, журналистлар.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ОЗОД ЮРТ, ОБОД КЎНГИЛЛАРГА БАЙРАМ ЯРАШАДИ

(Боғланиши 1-бетда.)

Аввало шуни айтиш лозимки, бундан йигирма икки йил муқаддам Ўзбекистон учун мустақиллик эълон қилишнинг ўзи бир жасорат эди. Ахир, 70 йилдан ортиқ мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкураси гирдобида бўлган, иқтисодиёти буткул марказга қарам, битмас-туганмас бойликлари бўлса-да, ночор, ўзини-ўзи таъминлашга кучи етмаган ўлканинг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйишини тасаввур қилиш қийин эди.

Аҳвол чин маънода оғир: ишлаб чиқариш буткул издан чиққан, қишлоқ хўжалигини юритиш тизими ярақсиз, аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳли ўртасида ишсизлик авж олган бир пайт эди. Шундай бир мураккаб вазиятда эълон қилинган мустақилликни асраб қолиш эса янада кўпроқ жасорат, ақл-заковат ва буюк иродани талаб этарди. Зотан, истиқлол фақат байрам, қувонч-шодлик эмас, балки она Ватанимиз истиқболи, халқимизнинг тақдири учун улкан масъулият ҳамдир.

Бу ҳақда ўйлаганда, давлатимиз раҳбари томонидан ғоят оғир ана шу дамларда кўрилган чора-тадбирлар кўз олдимиздан ўтади. Хусусан, аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақида қабул қилинган Фармон ва қарорлар ишсизликдан қийналган ва оиласини боқишга моддий манба топа олмай боши берк кўчага кириб қолган деҳқонлар учун қандай ёруғлик бахш этганини тушуниш қийин эмас. Бу Фармон ва қарорлар доирасида мамлакатимиз бўйича 2,5 миллион оилага 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилди ва қишлоқларимиздаги ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлди. Собиқ Шўро ҳукм сурган 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида бор-йўғи 300 минг гектар ер ажратилганини ёдга олганда, истиқлол қишлоқ аҳлига берган илк неъмат қадри янада яққолроқ намоён бўлади.

Шу зайлда мамлакатимизда янги ҳаёт куртаклари ниш уриб ўзлигини намоён эта бошлади. Амалга оширишга киришилган янгиланишлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қила бошлади. Онгу тафаккуримизда кескин бурилиш юз берди, ўз кучимиз, имкониятларимизга ишонч уйғонди. Бу кундалик ҳаётимизда, мақсад ва интилишларимизу руҳиятимизда ҳам ўз аксини топди, қалбларимизда миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисси кучайди.

Булар — мустақиллик шарофати, истиқлол туфайли ўзлигимизни англаш, тарихимиз, миллий қадриятларимизни тиклаб, уларга суяниб қураётган янги ҳаётимиз, танлаб олган тараққиёт йўлимиздан илгари қўйган илк қадамларимиз самаралари эди.

Вақт шамоли учқур. Мана, мамлакатимиз истиқлолга эришганига йигирма икки йил бўляпти. Ўз-ўзидан аёнки, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма икки йил жуда қисқа муддат. Лекин юртимизнинг тараққиёт йўлида бу йилларнинг ҳар бири асрларга татигулик бўлди. Бугун Ўзбекистон ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатга айланди.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимиз халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу ўринда кейинги йилларда қарор топган бир яхши анъана ҳақида тўхталмоқчиман. Яъни, истиқлолимизнинг ҳар бир йиллиги маълум бир эзгу шиор ва ғоя асосида нишонланмоқда ва ўтган йиллар давомида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!", "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" "Тақдиримсан, бахтимсан озод ва обод Ватан!" каби шиорлар остида кенг қамровли ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар амалга оширилди. Бу шиорларнинг ҳар бири чуқур маънога эга бўлиб, истиқлол туфайли биз қўлга киритган улуғ неъматлардан дарак беради.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлаш учун "Қадр-қиммати-мсан, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган эзгу ғоя асос қилиб олинди. Мана шу шиордаги биргина "қадр-қиммати-мсан" деган сўзларнинг ўзига эътибор берадиган бўлсак, бу фақат Ватан туйғуси эмас, балки истиқлол туфайли юртимизда инсон қадри, шаъни қай даражада улуғлик касб этганидан далолат беради. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ "ислоҳот-ислоҳот учун эмас,аввало, инсон учун" деган ғоя мазкур жараён асосига қўйилди. Конституциямизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб кафолатланиши бу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларга янада кенг кўлам бахш этди.

Булар ҳақида ўйлаганда, "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган сўзлар тилга келади. Ҳақиқатан ҳам, бундан 22 йил аввал бизнинг қадр-қиммати-миз, ҳақ-ҳуқуқларимиз қай даражада эди? Бирон хат-ҳужжат она тилимизда тақдим этилганми? Дунё микёсида ўтган бир тадбирда Ўзбекистон байроғи кўтарилганми? Мамлакатимиз спортчилари халқаро мусобақаларда зафар қучганда юртимиз номи тилга олинганми, мадҳиямиз янграганми? Бу саволларга жавобни ҳар биримиз яхши биламиз.

Узоққа бормай, матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига назар солайлик. Мустақиллик арафасида республикамизда жами 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият олиб борган ва уларнинг барчаси фақат давлат тасарруфида бўлган. Бугунги кунда бу рақам 1326 тани ташкил этмоқда. Уларнинг қарийб 55 фоизи фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим омили бўлган нодавлат ОАВдан иборат. Шу ўринда ОАВнинг катта қисми ҳудудларда фаолият кўрсатаётгани ҳам эътиборга молик бўлиб, бу мамлакатнинг ҳар бир қисми аҳолисининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи таъминланганидан далолат беради.

Яқинда дунёнинг қадимий маданият бешикларидан бири Греция ҳукумати инқироз сабабли мамлакат давлат телерадиокомпаниясини ёпиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарордан мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари, аҳоли қандай аҳволга тушганини телевидение орқали кўриб гувоҳи бўляпмиз. Айни пайтда Ўзбекистонда шу йилнинг ўзида учта янги — "Маданият ва маърифат", "Дунё бўйлаб" ва "Болажон" давлат телеканаллари, шунингдек, замонавий ахборот тарғиботи ва бизнес-канал сифатида фаол ишбилармонлар доирасига мўлжалланган «Узрепорт ТВ» мустақил нодавлат телеканали фаолият бошлагани юртимизда аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга берилаётган эътибордан далолатдир.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телерадиоканаллари, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси таркибидаги "Форум-ТВ" кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижасидир.

Шу билан бирга, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганининг намойишидир.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини глобал тармоқда миллий манфаатларимиз ҳимоячиси бўлган сайтлар ортиб бораётгани, хусусан юртимиздаги ОАВнинг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикасига катта эътибор қаратилиб, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани ҳам эътиборлидир.

Бугун ўзбек матбуоти жаҳон ахборот майдонида ўз муносиб ўрнини эгаллагани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва ижодий баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг юқори билим-иқтидори, профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизни қувонтиради.

Кеча мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — касб байрамимиз кенг нишонланди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Фармони билан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб белгиланганига шу кунларда йигирма йил тўлганини келтириб ўтмоқчиман. Бу сана нафақат соҳа ходимлари, балки турли касб соҳиблари томонидан ҳам байрам қилиниши мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳаётини Ватан равнақи, халқ саодати, ҳақиқат ва адолат тантанасига бағишлаган заҳматкаш ва фидойи инсонларнинг фаолиятига берилган муносиб баҳодир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, "Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди".

Истиқлол йилларида эришган, ғурур билан дунёга намойиш эта оладиган ютуқларимиз чиндан-да оз эмас ва улар ҳақли равишда жаҳон афкор оммаси эътирофига сазовор бўлмоқда. Қайта қад ростлаган халқимиз қадриятлари, маънавий мероси, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби кўплаб улуғ аждодларимизнинг обод зиёратгоҳлари... Улар кўнгилда ифтихор уйғотади. Ахир, юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Биз киммиз? Қандай буюк аждодларнинг авлодимиз!"

Истиқлол йиллари шаҳар-қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент бугунги кунда дунёдаги энг гўзал ва замонавий шаҳарлардан бирига айланди. Афсонавий Самарқанд, Бухоройи шариф, ям-яшил Шаҳрисабз, мафтункор Хива каби қадимий шаҳарларимиз, янгидан бунёд этилаётган сўлим Фарғона ҳозирги кунда нафақат бебаҳо обидалари билан, айни вақтда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган бетакрор бинолари, боғ-хиёбонлари билан ҳам машҳур. Истиқлол меваси бўлган ўзбек автомобилсозлиги ғуруримизга ғурур қўшади. Замонавий "Нексия", "Дамас", "Матиз", "Ласетти", "Эпика", "Каптива", "Спарк", "Кобальт" ва бошқа турли русумдаги автомобиллар кўчаларимизни тўлдириб, юракларда фахр уйғотмоқда. Ваҳоланки, бундан 22 йил бурун ўз автомобилсозлигимиз вужудга келиши мумкинлигини хаёлга ҳам келтирмаган эдик.

Кўнгилга ёруғлик бахш этадиган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қандай мисол ва далилларга тўхталмайлик, уларнинг барчаси биз учун энг қадрли, улуғ ва азиз бўлган юртимиз истиқлоли билан боғланади.

Ҳа, истиқлолнинг ҳар бир йилининг буюк тарих саҳифаларига муҳрланган олтин битиклари кўп, уларнинг ҳар бири бизнинг қадр-қимматимиз, фахр-ифтихоримиздир.

Инсон орзулар билан яшайди, эзгуликка йўғрилган умидлар уни илгари бошлайди, келажакка ишонч уйғотади. Жумладан, яқин уч йилдан сўнг шу вақтлар юрак хаприқиб, қувонч-шодлик билан юртимиз истиқлолининг, мустақил Ўзбекистонимизнинг чорак асрлик тўйини байрам қилиш тадоригида бўламиз.

...Табиат фасларига монанд умр фасллари ҳам ўтиб боради, авлодлар алмашади, асрлар асрларни қувалаб, замонлар замонларга навбат беради. Аммо бир ҳақиқатни Вақт деб аталган улуғ ҳакам ҳам ўз мезонларида ортга суролмайди: барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қиммати-мизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолади.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "5000" рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи "5000" рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги "5000" рақами устига йирик ҳарфлар билан "SO'M" сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "5000" рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган "5000" рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил ранга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2013" кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида

рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида "5000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "OLIY MAJLIS" меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "5000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил ранга ўзгартирувчи иккита "5000" рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг "5000" рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI" ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

ННТларнинг фаол иштироки таъминланади

Фаолият

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда давлат ва хусусий ташкилотлар билан бир қаторда нодавлат жамоат ташкилотларининг фаолият кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Бундай ижтимоий фаоллик бир томондан фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва жамиятдаги нуфузини ошириши билан бир қаторда, уларнинг давлат органлари ва ҳокимият фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролар кайфиятини, уларнинг ҳаётда бўлаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлаш, давлат билан жамият ўртасидаги самарали қайта алоқа таъминланишининг асосий омили бўлиб қолмоқда.

— Беш йил муқаддам "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилиниши, юқори қонунчилик органи ҳузурида Жамоат фонди ва Парламент комиссиясининг ташкил этилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида катта ҳодиса бўлди, дейди, — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент камиссияси раиси Акмал Саидов. — 2008-2012 йилларда ННТ ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга жами 28,9 миллиард сўм берилган. Мазкур тармоққа, дастлаб 2008 йилда 3 миллиард маблағ ажратилган бўлса, бу кўрсатгич 2013 йилга келиб 7 миллиардни ташкил этди.

Парламент комиссияси ва Жамоат фонди фаолиятида "учинчи сектор"ни қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан йўналтирилган молиявий маблағларнинг шаффоф, очиқ, демократик тақсимланишига эришилди. Бу эса ННТлар фаолиятининг ҳаракатчилиги, моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамланишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, Парламент комиссияси ва Жамоат фонди ННТларнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун кенг кўламли ишларни амалга оширди. Жумладан ҳозирги кунда Германиянинг Ф. Эберт жамғармаси, Японияннинг JICA, БМТнинг ривожлантириш дастури, АҚШнинг Халқаро нотижорат ҳуқуқ Маркази каби қатор етакчи хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ришталари боғланган.

"2013 йил-Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Жамоат фонди, ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Обод уйим" танлови эълон қилинган эди. Йиғилишда мазкур танлов якунлари батафсил муҳокама этилди.

"Обод уйим" танловининг мақсади қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига тегишли хизматлар кўрсатишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан иборот. Танловга жами 138 та лойиҳа аризаси келиб тушган. Шундан 116 таси ННТлар томонидан берилган бўлса, 5 та лойиҳа оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилган.

Лойиҳаларни рағбатлантиришда асосий эътибор, уларнинг ижтимоий аҳамияти, танлов шартлари ва талабларига мувофиқлиги, маҳаллий давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шерикликни янада кучайтириш масаларига қаратилди.

Бундан ташқари йиғилишда Парламент комиссиясига тақдим этилаётган лойиҳаларда бир қатор камчиликлар аниқланганлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, телеканаллардан бири тамонидан юборилган лойиҳада иссиқхона қуриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўрсатилган. Лекин бундай иш ташкилотнинг низомида кўрсатилган вазифаларга мос келмайди. Ёки ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан бошқа бир тақдим этилган лойиҳада мақсад аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр энергиясига бўлган талабни қондириш белгилаб қўйилган, аммо лойиҳани амалга ошириш жараёнида тааллуқли давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик масаласи инобатга олинмаган. Пировард натижада, "Обод уйим" танловига тақдим этилган лойиҳалардан 111 тасининг молиялаштирилиши рад этилди. 27 та лойиҳанинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти танлов шартларига мос келганлиги сабабли Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада мазкур лойиҳаларга 348,8 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилиши белгилаб олинди.

2012 йилда Жамоат фонди томонидан ажратилган давлат субсидияси маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари ҳақида ўз маърузаси билан қатнашган Парламент комиссияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Рустам Эргашевнинг таъкидлашича, ўтган йилда жамоат фонди томонидан молиялаштирилган лойиҳаларга берилган маблағлардан самарали ва аниқ вазифаларда фойдаланиш борасида камчиликлар аниқланган. Фонд маблағларидан бошқа мақсадда фойдаланган ташкилотлар олдига ушбу маблағларни фонд ҳисоб рақамига қайтариш талаби Парламент комиссияси томонидан бир овоздан, мақулланди.

Умида ХОЛБЕКОВА,
Дилбар РАШИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди масъул ходимлари



Бугуннинг гапи

Тил билган — эл билади

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўрганишнинг комплекс яъни ёш авлодни камол топтиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган мустаҳкам тизим яратилди.

ЎзА сурати

Хусусан, республикада 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчиси тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар ишлаб чиқилди, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинети жиҳозланди.

Мазкур тадбирларнинг бевосита давоми сифатида ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни хорижий тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг фойданишлари, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2012 йил, 10 декабрда Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча ҳудудида чет тилларини, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошлаб ўйин ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш босқичма-босқич бошланиши, олий ўқув юртларида эса айрим махсус фанлар, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши белгиланди.

Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майда "Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга асосан узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти «Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» тасдиқланди. Бу эса ўз навбатида ўқувчи ва талабаларнинг чет тиллар бўйича билим даражаларини белгилаб беради. Шунингдек, ўқув режа, дастурлар, дарсликлар ва қўлланмаларни ишлаб чиқишда асос бўлади. Шунингдек, ушбу қарорда чет тилини ўрганиш Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизими бўйича Давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар, шунингдек, олий таълим босқичларида амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади — ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат. Бу ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллай олиш қобилиятидир.

Таълим мазмуни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг фанлар бўйича ўқув дастурларига киритилган мавзулардан иборат. Ўқув материали таълимнинг барча турларида узлуксизлик ва даврийликни таъминлайди. Халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида нутқ кўникма ва малакаларнинг дескрипторлари чет тилларни билишнинг умумевропа тизимига ўзаро боғлиқ ҳолда олинди, улар содда ва тушунарли шаклда берилди.

Бу ўз навбатида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтаришга ва жаҳон миқёсига чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳамдам НАЗАРОВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими



Таассуф

Изларга берилган из

Дийдорлашиш баҳонасида йиғилган курсдошларимиз билан пойтахтимиздаги кафелардан бирига йўл олдик. Кенг майдон ўртасига ўрнатилган катта экранда футбол мусобақаси намойиш этилаётган эди. Курсдошларимиз орасида ҳам футбол ишқибозлари бор экан.

Мавзунинг онаси футбол бўлди. Ўша оқшом адашмасам Испаниянинг "Барселона" ва "Реал" (Мадрид) клублари беллашарди. Мухлисларнинг бири у жамоани мақтаса, яна бири иккинчи жамоа ютишини башорат қилишарди. Тортишувнинг охири пичингу кесатиқлардан, гаровгача бориб етди. Футбол жамоаси ютқазган томон ютган мухлисларнинг барча шартларини бажарадиган бўлди. Орадан бир неча соат ўтгач, барчамиз тарқалдик. Очиғи, бемақсад тортишувлардан бошларимиз ғувиллаб кетганди. Хуллас, қайси томон ютди, қайсиниси ютқазди, аниқ эсимда йўғ-у, лекин ўшанда шунча олис масофада тўп сураётган футбол клублари ғолиблиги учун қадрдонларининг дилини хира қилган, азонгача ухламай ўйин натижасини кутган телбанамо фанатларга дуч келганимни англадим.

Албатта, инсон ҳаёти давомида бирор нарсага меҳр қўйиши, унга қизиқиши, талпиниши, ўйлаши, хаёл суриши табиий ҳол. Бироқ бу меҳр, иштиёқ маълум меъёр ва чегарадан ошса, инсоннинг ақлу ҳушини ўғирлаб, ўз майли томон етаклай бошлайди. Ишқибоз деган сўзга ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ҳавас қўйган», «муҳаббат боғлаган», «берилган», «ҳавасманд», дея таъриф берилади. Ҳолбуки, нимагадир муҳаббат боғлаш, ҳавасманд бўлиш ижобий ҳолат. Бироқ бу ишқибозлик инсонни ўзини, ўзлигини унутиш даражасига олиб келиши мутахассислар тилида «фанатизм» деб номланади.

Фанатизм маълум соҳа ёки объектга ишқибозликнинг чегарадан юқори даражаси ҳисобланади. Одатий қизиқиш меъёрий даражада бўлади. Бу қуйи босқичидир.

Бора-бора ўша қизиқиш объектига тааллуқли маълумотларни тўплаш, ҳаммаслаклар топиш, суҳбатлашиш, ўйлаш, бир сўз билан айтганда, муккасидан кетиш ҳолати рўй беради. Масалан, компьютер ўйинлари фанатларини олайлик. Улар шундай психологик мослашув (адаптация) ҳосил қилганки, агар компьютер ўйнамаса, ўзини беҳаловат сезади. Улар ҳатто овқатланиш, ухлашни унутиб ҳам соатлаб экран қаршисида ўтириши мумкин. Хорижда шунинг оқибатида натижаси мудҳиш ўлим билан тугаган ҳолатлар юз берганини ҳам биламиз. Бола онасини аямайдиган бу ҳолат онгдан ташқарида содир бўлади. Фанатларнинг муштлашиб кетиши, одоб-ахлоқ меъёрларини бузиши бунга яққол мисолдир. Уларда ўз-ўзини бошқаролмаслик, назорат функцияси йўқолади. Психологларнинг айтишича, фанатликка мойиллик кўпроқ ўсмирлик даврида пайдо бўлади. Ёшларда айни шу паллада қайсидир соҳа ёки ўйин турига қизиқиш кучаяди. Маълумки, ўсмир ёшидагилар ўзини ҳамма нарсага қодир деб билади, гўё унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ўзини мустақил шахс деб қабул қилади ва буни кўпчилик олдида намоён этишга ҳаракат қилади.

Тадқиқотлар ҳиссиётлар, қувватли бораётган ўспиринларнинг фанатизмга кўпроқ мойил бўлишини тасдиқлайди. Шунингдек, баъзи кексаларда ҳам фанатизм мавжуд. Инсон қариган сари жисмоний қуввати етмаса-да, ички энергия, ғайрат унга куч беради. Кексалар орасида кино фанатларини кўпроқ учратамиз. Телевидение орқали берилаётган барча сериал, фильмларни канда қилмай кўрадиган отахон ва онахонлар талайгина. Ўрта ёшлиларда эса иш, оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси билан машғуллик фанатизмдан чекинишга олиб келади.

Ғалати жиҳати шундаки, баъзилар фанатизмнинг салбий оқибатлари хусусида билишади, аммо ундан воз кеча олмайдилар. Нега шундай? Гап шундаки, фанатлар маълум соҳага қизиқиши ортидан ҳузурланиш онларини бошдан кечиради. Дейлик, футбол фанатларини оладиган бўлсак, улар реал ҳаётдан узилиб, гўёки майдонда ўзлари тўп сураётгандек берилиб кетишади. Жамоаси ютқизиб қўйса, кайфияти бузилиб, атрофдагиларга бақириб, ҳатто муштлашишдан ҳам тоймайди. Қайд этиш керакки, фанатизм ҳисси бир соат ёки бир кунда пайдо бўлмайди. У инсон онги ва руҳига аста-секин сингиб боради. Назаримда, бунда калаванинг учини оиладан ахтариш керак. Фарзандингизнинг нимага қизиқиш билдириши, қайси сўзларни кўпроқ ишлатиши, қайси мавзуда жўшиб, тўлибтошиб гапиришига эътибор беринг-а. Мана шу мавзу, соҳа келажакда уни фанатликка етакласа, ажабмас. Буни ҳар бир ота-она мунтазам кузатиб бориши ва таҳлил қилиши, агар ижобий бўлса, рағбатлаб, салбий бўлса, вақтида олдини олиши лозим. Хуллас, ота-она фарзандининг қизиқишини тўғри йўналтира олиши зарур.

Кўпчилик фанатизмга касаллик сифатида қарайди. Йўқ, фанатизм аслида хасталик эмас. Хоббини олайлик. Одам севимли машғулоти билан шуғулланса, чарчоғини енгади, салбий эмоциялардан халос бўлади, куч олади. Фанатизмда ҳам инсон енгил тортиб, ҳузурланиб, завқланади. Лекин унинг хобби, мухлисликдан фарқли томони шундаки, фанатлар ўз-ўзини бошқаролмай, сарфлаётган вақтини таҳлил қилолмай қолади.

Танганинг икки томони бўлгани каби фанатизмнинг ҳам ижобий тарафлари бор. Ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган соҳаларга фанатлик қилиш инсоннинг руҳий ва ақлий камолоти учун хизмат қилади. Масалан, ўсимликлар ва табиат олами ишқибозларини олайлик. Гул фанатлари ноёб гул турларини тўплаш, ўрганиш орқали гулларга ошно бўлади, уларни ўстиради, парваришлаб, ҳатто бўғимчалари, баргининг ҳолати, ўсиш муддатлари — барчасини билишга уринади. Бу инсонда меҳр бериш, меҳр ўлашиш каби туйғуларни шакллантиради. Эстетик дидни тарбиялайди.

Руҳи оғир фанатизмдан халос бўлиш, «даволаш» узоқ муддатли мураккаб жараёндир. Уларни ҳамма ҳам бу йўлдан қайтара олмайди. Таъсир кучи юқори бўлган инсонларгина бундайларни йўлдан қайтариши мумкин. Масалан, уларнинг яқин дўстлари, қариндошлари ёки севгилиси. Аста-секинлик билан тушунтириш, хушмуомалалик билан насиҳат қилиш орқали, фикру зикрини бошқа машғулотларга қаратиш йўли билан бунинг уддасидан чиқиш мумкин.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

Образ

Замонамиз қаҳрамонларининг жонли тасвири

Муҳаммад Али – шеъриятда файласуф, насрда шоир, публицистикада дилкаш суҳбатдош бўла оладиган ижодкор. Истеъдодни бой ҳаётий тажриба ва чуқур билим билан уйғунлаштирган бундай ёзувчилар давр билан ҳамқадам бўлиб, унинг долзарб муаммоларига тезкорлик билан муносабат билдирадилар. Бунда уларга очерк жанри қўл келади. Жаҳон адабий тажрибасида очеркчилик аксарият қаламкашлар учун бадиий ижодга етакловчи восита ҳисобланади. Кўпчиликда очерк фақат газетачилар томонидан яратилади, деганга ўхшаш қараш шаклланиб қолган. Ўқувчилик йилларида Бекобод туман газетаси билан ҳамкорлик қилгани, кейинчалик "Шарқ юлдузи" журнали ва «Ўзбекистон» телевидениесида ишлаганини ҳисобга олмаганда, Муҳаммад Али бевосита мухбир бўлиб фаолият юритмаган. Лекин умри мобайнида газета-журналлар, радио ва телевидение билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпти.

Деҳқон оиласида ўсган, бунинг устига, бир муддат Бекобод қум-шағал карьерида тош ҳам саралаган Муҳаммад Али иш одамлари билан осон тил топишиб кета олгани учун ижодида мустақилликдан сўнг тезкор жанр бўлмиш очерк муҳим ўрин эгаллай бошлади. Асосан тарихий асарлари билан танилган ёзувчи "Замондошим портретига чизгилар" китобида фидокорона меҳнати билан истиқлолни мустаҳкамлаётган замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин қиёфасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди.

Китоб "Улуғ авлодлардан мерос шижоат" очерки билан бошланади. Ўзбекистон Қуролли кучлари ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлаб ёзилган ушбу очерк алоҳида китоб шаклида ҳам чоп этилиб, аскар ва зобитлар томонидан ёппасига ўқиб-ўрганилган. Ўз вақтида мухлисларга етказилган бу асар ҳарбийларда боболар жасоратига эҳтиром, руҳий кўтаринкилик ҳамда шиддаткорлик туйғуларини кучайтириб, мустақилликнинг мустаҳкамланишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

"Журналистларнинг шоири очерк ёзади", — дегич эди таниқли адабиётшунос Очил Тоғаев. Олимнинг бу тўхтамида ҳақиқат бор. Негаки, жанговар жанр бўлмиш публицистикада муаллиф ўзини ортга олмайди, туйғуларни яширмайди, билъакс ўқувчига ўз ҳиссиётини юқтиради. "Замондошим портретига чизгилар" китобидаги халқимизга фаровон турмуш ва тараққиёт йўлини очиб берган, миллатни ўзлигига муносиб эҳтиром меҳробига чиқарган истиқлолдан шукроналик туйғуси акс этган очерклар Муҳаммад Алининг ана шундай кайфияти маҳсули, дейиш мумкин.

Муболаға эмас, мустақиллик шарофати билан юртимиз асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. "Ўзбекистон кўчаси" очеркида айтилганидек, атиги йигирма йил аввал "Ўзбекистонданман", — дейилса, чет эллик сухбатдошнинг янглиш эшитмадимикин деган ўйда: "Покистон!" ёки "Афғонистон!" деб қайта сўраши чин эди. "Жаҳонга айтилган сўз" ва "Саноатнинг ажиб диёри" мақолаларида тасвирланганидек, Ўзбекистон фақат "хом ашё етказиб берувчи", "ҳатто мих ҳам ишлаб чиқарилмаган" юртдан замонавий автомобиллар, компьютер ёрдамида бошқарилувчи тоғ-кон саноатида ишлатиладиган станоклар, минерал ўғитлар, кимё ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда бошқа кўпдан-кўп товарлар экспорт қиладиган мамлакатга айланди. Муаллифни халқаро андозалар даражасидаги юксак сифатли бу маҳсулотлар қора кўз ўзбек фарзандлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани қувонтиради.

1

Айнан уларнинг шижоати ва фидойилиги ёзувчига илҳом бахш этади.

Журналистикада "йўл очерклари" деган тушунча бор. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Хошимов каби ёзувчилар ўз вақтида йўл очеркларининг гўзал намуналарини яратишган. Шу сингари "Замондошим портретига чизгилар" китоби асосан йўл очеркларидан ташкил топган. Ёзувчининг синчковлиги, қисмда бутунни кўра олиш қобилияти, кўрган-билганларини тарихга боғлаб таҳлил эта олиш маҳорати туфайли ҳар бир йўл очерки замондошимизнинг ёрқин қиёфаси тасвирланган асарга айланган. "Дардоқдан чиққан ардоқли ўғил" очеркини ўқиган одам "доимо кулиб турадиган, ҳазилкаш, ялангтўш, фикрини дангал айтишга одатланган, кўнглида кири йўқ очиқ чеҳрали" Алижон Аҳмедов билан юзма-юз сўзлашгандай бўлади.

Муҳаммад Али қаҳрамонларининг меҳнат муваффақиятларини санашдан кўра, шу натижаларга эриштирган руҳий-ташкилий омилларни таҳлил этишга кўпроқ эътибор қаратади. Хусусан, Алижон Аҳмедовнинг ўрта мактабни тугатгач, қишлоқдаги энг зўр темирчига шогирд тушиши, пахтачилик институтида бу ҳунарни техника назариясига доир тушунчалар билан бойитиши, натижада ихтирочига айланиб, патентлар олгани, "Савай" хўжалигини бошқарган чоғларида ўз кашфиётларини амалиётга жорий қилгани, эндилик ўз МТПсидаги машина-механизмларни маҳаллий шароитга мослаштираётгани замирида унинг изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги ётишини ишонарли кўрсатиб беради. Водийдаги энг сифатли пахта ҳамда буғдой навининг элита уруғи унинг даласида етиштирилишига ҳам айни шу омиллар сабаб экани, унинг мини заводида тайёрланаётган пишлоқлар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" учоқларига чиқарилаётгани замирида ҳам ўша жонсараклик ётиши яққол кўрсатиб берилган.

Муаллиф фермерлар ҳаётини яхши билгани учун улар руҳиятидаги нозик жиҳатларни осон ва тез илғайди. Шу боис, у кеча тўртта тикув машинаси ("Кенжа қиз ҳақида ҳикоя") ёки 20 гектар ер билан ("Чўлни ёқасидан тутган паҳлавон") иш бошлаган қаҳрамонларининг бугун катта корхона ёки мини завод эгасига айланганини мантиқий изчилликда асосли кўрсатиб беради. Адиб қаҳрамонларини ишдан бошқа нарсани билмайдиган "меҳнаткашлар" тарзида эмас, балки кенг мушоҳадали, ҳамма одамлардай яшашга интилаётган инсон қиёфасида тасвирлашга эътибор қаратади. Шу сабабли муаллиф рақам ва кўрсаткичларни санаш йўлидан бормай,

2

оддий одамни қаҳрамон даражасига кўтарган ижтимоий-иқтисодий ва руҳий-маънавий омилларга эътибор қаратади.

Абдулла Қаҳҳор лутф қилганидай, "Араванинг гупчагини кўмсангиз, қайрағоч кўкариб чиқади"ган сахий ўзбек замини, фермерларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган оқилона сиёсат ва бунинг оқибатида юзага келаётган ободлик ва фаровонлик деҳқонлар ғайратига ғайрат қўшаётгани ушбу мавзудаги очеркларда ишонарли кўрсатиб берилган. Деҳқонлар ҳаёти ва руҳиятининг янги қирраларини очишга бағишланган бу очеркларни ўқиган китобхон фермерчилик ҳаракати моҳияти ҳамда деҳқонлар ички дунёсини аён тасаввур эта олади.

Тарихнинг зукко билимдони бўлган ёзувчи "Буюк Соҳибқирон изидан", "Тошни сўзлатган кўнгил", "Ипак қоғоз қиссаси", "Абдураҳим тоштарошнинг набираси", "Меъмор" очеркларида тарихий фактлардан самарали фойдаланади. Ўрнида ишлатилгани учун узукка кўз мисол ярашиб тушган бундай тарихий лавҳалар қаҳрамон қиёфасини яшнатиб юборади, китоб ўқишлилигини таъминлайди.

Кўплаб тарихий обида ва қадамжоларни таъмирлашда қатнашган ғозғонлик тоштарош Тоир Раҳимов касби тақозоси билан ўзи қайта тиклаган Ҳаким ат-Термизий ёки Шайх Хованд Тоҳур мақбарасидаги қабр тоши тарихини яхши билади. Эҳтимол, бу ўринда журналист устанинг айтганларини мақола қилиб кетавериши мумкин эди. Муҳаммад Али эса бу қадамжоларнинг тарихи, яратувчилари, ташкилотчилари ҳамда уларнинг ўлкамиз маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрни борасида илм аҳлига ҳам унчалик маълум бўлмаган янги маълумотларни келтириб, ўқирманни ром қилади.

"Ипак қоғоз қиссаси" очеркида Зариф Мухторовнинг машҳур Самарқанд қоғозини яратиш технологиясини тиклаш учун қанча тарихий китобларни варақлаб, соҳа мутахассислари ва ҳунармандлар билан суҳбатлашиб, кўп йиллик машаққатли изланишлар натижасида мақсадига эришгани батафсил тасвирланади. Асосийси, муаллиф ишлаб чиқарилаётган ипак қоғозларга япон ва олмон мутахассислари катта қизиқиш билан қарашаётганию бундан кўрилаётган иқтисодий фойдани ёзиш билан чекланиб қолмайди. Балки бу қоғознинг майинлиги ва асрлар давомида аслидагидай сақланиш хусусиятига эгалиги сабаб Навоий ва Бобур эътирофини қозониб, ўз даврида Хитойдан то Арабистонгача машҳуру манзур бўлган Самарқанд қоғозининг шуҳрати қайта тикланишининг маънавий жиҳатларини тасвирлашга диққат қаратади. Ҳа, ҳар қандай юксак минора ҳам битта-битта ғиштдан тикланади. Самарқанд қоғозининг саноат асосида қайта ишлаб чиқарилиши ҳам Ўзбекистон шуҳратини оламга ёйишга қаратилган кенг кўламли ишлардан бири экани мақолада ишонарли кўрсатилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотининг лауреати, ҳайкалтарош Илҳом Жабборовга бағишланган "Тошни сўзлатган кўнгил" очеркида муаллифнинг қалами равон йўрғалайди: "...***Ҳайкални кўрган киши унинг ёғочдан ясалганини дабдурустдан сезмайди ҳам. У ниҳоятда жонли чиққан, очиқ чеҳра, қошлари пиликдек кўзларини оҳиста юмганча ширин хаёлларга берилган, бошида тўлқин урган қуюқдан қуюқ сочлари унга оғирлик қилаётгандек... Унга гапирай дейсан, аммо хаёлларини бузишдан ийманасан***". Бу тасвирлар ҳайкалтарош меҳнати натижасини кўрсатишга қаратилган бўлса, қуйидаги ифодаларда шу натижага эришиш кечими қанчалар мушкул экани акс этган: "***Ҳайкалтарош ва метиндай тош. Ишлов, ишлов... Бир оз танаффус. Кейин яна тош билан мулоқот... гурунгни давом эттириш. Яна болғанинг тиқ-тиқ этган овози. Асраб-авайлаш, ишга мулойимлик билан ёндашиш. Тошга меҳр бериш лозим, меҳр! Шунда тош ҳам беихтиёр эрийди, тирик одамга айланади***". Шеър каби ўқиладиган бу сатрлар тошни сўзлатган кўнгил эгасининг руҳий ҳолатини бериши билан қимматлидир.

3

Қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятини унинг руҳий олами орқали кўрсатишда Муҳаммад Али деталлардан ўринли фойдаланади: "Хушназар эшон Мир Араб мадрасасида сўнги синовни аъло даражада адо этгани учун Бухоро амири Музаффар унга чиройли қалам ва нақшли сариқ узун сиёҳдон туҳфа этади" ёки "...Алижон Аҳмедов билан суҳбатлашганида, Ислом ака унинг жавобларидан мамнун бўлди ва кўкрак чўнтагидан олтин пероли ручкасини олиб Алижонга ҳадя этди. ...Ҳозир ҳар иккала табаррук совға ҳам оилада эъзозланиб сақланади". Катта замоний оралиқда содир этилган бу ҳаракатлардаги сиёҳдон ва ручка деталлари қаҳрамонлар фаолияти даражасини англатиши билан аҳамиятлидир.

Муҳаммад Али ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳам адабиёт тарихини пухта биладиган ижодкор сифатида кечада бугуннинг, бугунда эртанинг изларини кўра билади. Шу боис мақолаларида бугун кеча ёхуд узоқ ўтмиш билан мувозий тасвирланади. Бу ҳол очерклар тилида ҳам намоён бўлади. Жумладан, "Чемпионнинг даласи" очерки шундай бошланади: "***Одатда бундай йигитларни кўрганда, зувваласи пишиқ экан, тупроғи енгилмас баҳодирлар билан бир жойдан олинибди, темурийлар авлодидан бўлса керак, деб қўйишади мамнуният билан. Дароз бўйли, очиқ юзли, ғирдиғумдан келган, полвонлардай бақувват, қурч танли эканлиги шундоққина кўриниб туради, нақ Рустами достон дегулик***". Бу тасвир ҳам оғзаки ижод намуналари, ҳам ҳазрати Темур шахсиятига дахлдор қирралар билан уйғунлашиб, китобхонда қаҳрамонга илиқ муносабат уйғотади.

"Ҳаёт ҳикмати" очеркида оққан дарё оқавериши Абу Али Ибн Синонинг тиб илмидаги буюк кашфиётлари билан 2012 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган кўз шифокори Холиджон Комилов тақдирларининг мувозий тасвирида жуда таъсирли кўрсатилган. Мустақиллик берган имкониятлар асосида бунёд этилган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими, баркамол авлодни яратишнинг асоси бўлган оналар ва болалар саломатлигини таъминлашдаги тажрибамизни бутун дунё эътироф этаётгани қаҳрамоннинг фаолияти мисолида маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Авлодлар бардавомлиги, ўзбекларга хос ворисийлик, турмуш тарзи ва касб танлашдаги давомийлик сингари қадриятлар китобдаги барча мақолаларда қай даражададир акс эттирилган. Бинобарин, "Ота ва ўғил" очерки қаҳрамонининг: "***Дадам бизга умумий раҳбар сифатида йўл-йўриқ кўрсатиб турадилар... Билмаганларимизни сўраб билиб оламиз***", — тарзидаги иқрорида фақат ўзбекка хос муносабатлар йўсинини кўрамиз. Очеркда омадёр ака-ука ташкилотчилар: "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Одилжон ва "Барака" фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Исаевлар эришаётган ютуқларнинг илдизи уларнинг падари бузруквори, узоқ йиллар Республика пахтачилик илмий текшириш институтида ишлаган Ботирхон Исаевнинг тарбияси меваси эканлиги жуда ишонарли кўрсатилган.

Муҳаммад Али қаламига мансуб ушбу очерклар замондошларимиз руҳиятини, уларни безовта қилаётган, улкан бунёдкорлик юмушлари сари ундаётган туйғулар нималардан иборат экани ҳамда бу хислатлар қай йўсинда намоён бўлаётганини аниқ далиллар ва тақдирлар мисолида кўрсатиши билан катта бадиий-тарбиявий аҳамият касб этади.

4

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Қозоқбой ЙЎЛДОШ

Таржима санъати

Ёш Вертернинг ўзбекча изтироби

Талабалик давримиз – етмишинчи йилларнинг ўрталарида улуғ олмон шоири ва мутафаккири Йоҳанн Вольфганг Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" романи ўзбек тилида чоп этилиб, қўлма-қўл бўлиб кетди. Ёшлик ҳиссиётига берилиб китобни бир ўтиришда ўқиб чиқибмиз-у, унинг таржимони ҳақида қизиқмабмиз. Кейин билсак, уни илк бор ўзбек тилига Янглиш Эгамова таржима қилган экан.

Янглиш опа 1966 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг чет тиллар факультетини муваффақиятли тамомлаб, бир муддат Ғаллаорол туманидаги ўрта мактабда немис тилидан ёшларга сабоқ берибди. 1974 йилда эса "Асл нусхадаги қаҳрамонлар образини бадиий таржимада қайта яратиш масаласига доир" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, шу йили йўлланма билан ҳозирги Гулистон давлат университетига ишга юборилади. Аввал немис тили кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1975 йилдан 1986 йилгача шу кафедра мудири бўлиб ишлайди.

Опа иш фаолиятини доимо бадиий таржима назарияси ва амалиёти билан узвий қўшиб олиб борди. Ўтган йилларда олиманинг немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг амалий ва назарий масалалари, чет тили ўқитишнинг замонавий усуллари мавзуларида 70 дан ортиқ мақола ва тадқиқотлари эълон қилинди. Улар "Бадиий таржима — дўстлик қуроли", "Бадиий таржиманинг долзарб масалалари", "Таржима санъати", "Мумтоз сўз", ГулДУ "Ахборотнома"си, "Хорижий филология" сингари илмий тўпламларда, "Тил ва адабиёт таълими", "Саодат", "Жаҳон адабиёти" журналларида, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Сирдарё ҳақиқати" газеталарида босилиб чиққан.

Моҳир таржимон немис тилидан бевосита ўзбек тилига ўгирган Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" асари уч бора нашр этилди. У шунингдек, Гётенинг "Ҳамроз дилдар", Бруно Апитснинг "Қашқирлар чангалида" романларини, Вольфганг Борхерт ҳикояларини, Гёте ҳақидаги замондошлари хотираларини, Гётенинг айрим шеърларини аслиятдан таржима қилган моҳир таржимондир.

Я.Эгамова талабалик йилларида Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" романини, айни Вертер ва Лоттанинг танишувига сабаб бўлган бал тасвирланган парчани ўқиб, ёзувчининг услуби, сўз қўллаш маҳоратига қойил қолганини кўп бор такрорлайди. Уни аслидагидек таржима қилиш, Гётени ўзбекча гапиртириш истаги ўша пайтда туғилган бўлса ажаб эмас.

Албатта, таржима муваффақиятли чиқиши учун танланаётган асар мутаржим юрагини "жиз" эттириши, ўша асарни таржима қилмасдан туролмаслиги керак. Бундан ташқари, таржимон сўзни, адабиётни, таржима қилинаётган асар моҳитини яхши билиши керак. Актёр спектакль давомида ролга қандай киришиб кетса, таржимон ҳам ўзи таржима қилаётган асар руҳига, мазмун-моҳиятига шундай кира олиши, ўша асар воқеалари ичида гоҳ ижобий, гоҳ салбий қаҳрамонлар билан бирга яшаши, бирга кулиб, бирга йиғлаши лозим. Акс ҳолда ёзувчи кўзлаган мақсад таржима асар ўқувчисига етиб бормайди, у қуруқ сўзлар, воқеалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолади. Шу маънода Я. Эгамова фақат сўзлар маъносига, грамматик қоидаларгагина "ёпишиб" олмай, муллиф муайян сўз ёки жумла орқали нима демоқчилигини ўқувчига етказа олишга ҳаракат қилган.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда таржима соҳасида опа самарали иш олиб борди. Хусусан, у Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари, немис адиби Фритс Вюртленинг "Андижон шаҳзодаси" (Бобур — йўлбарс) қиссаларини ўзбек тилига ўгирди. Ушбу китоблар таржимаси учун мутаржим 2011 йилда Бобур Халқаро жамғармаси таъсис этган Бобур номидаги халқаро мукофот билан тақдирланди. Айни пайтда Гётенинг дўсти ва котиби Йоҳанн Петер Эккерманнинг "Гёте билан гурунглар" асари таржимасини якунлаш арафасида. Унинг биринчи қисми "Жаҳон адабиёти" журнали орқали ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тажрибали мутаржим Янглиш опа Эгамовани қутлуғ ёш арафасида қалби меҳнат шавқига тўла ижодкордан янгидан-янги таржима асарлар кутиб қоламиз.

Мирзаали АКБАРОВ



Наманганлик нақкош-дурадгор Маҳмуджон Жўраев устоз-шогирд анъанаси асосида кўплаб ёшларга халқ амалий санъати сирларини ўргатиб, миллий ҳунармандчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Ўзбекистон халқ устаси фахрий унвони ва «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган. Юзга яқин шогирднинг устози.

Суратда: *уста Маҳмуджон Жўраев шогирдлари билан.*

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Хоразм вилояти маҳалла бошқармаси жамоаси

мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Билмаганни билган яхши

Такрорий гувоҳнома олиш тартиби

Айрим сабабларга кўра никоҳ ҳамда фарзандларимизнинг туғилганлик тўғрисидаги ва бошқа гувоҳномаларга шикаст етказиб қўйдик. Айтинг-чи, бундай ҳолларда такрорий гувоҳнома олиш тартиби қандай бўлади?

Зикриллаевлар оиласи
Тошкент вилояти

Албатта, йўқолган ҳужжат йўқолганича, шикастлангани фойдаланишга яроқсизлигича қолиб кетавермайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилишингиз керак. Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФҲДЁ бўлими томонидан манфаатдор шахснинг аризасига кўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома берилади. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-онасига ёки давлат нотариал идорасида қонуний тасдиқланган ишончнома асосида бошқа шахсларга, ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар эса мархумнинг яқин қариндошлари ва меросхўрларига, шунингдек, нотариус томонидан тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакилларга берилади. Никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномани эса фақат никоҳланган шахсларнинг ўзлари олишга ҳақлидирлар.

Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисида берилаётган аризада гувоҳнома қандай сабабга кўра талаб қилинаётгани кўрсатилганидан сўнг фуқаро мурожаат этган куниёқ берилади. Агар бу ҳақда мурожаат этилган ФҲДЁ бўлимида тегишли далолатнома ёзуви йўқ бўлса, ФҲДЁ бўлими аризани ва далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани шаҳар, вилоят ёки республика ФҲДЁ архивига тегишли текширув ўтказиш ҳамда такрорий гувоҳнома бериш учун юборади. Такрорий гувоҳномани олишда ариза берувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилиши шарт.

Дилнавоз БЕГМАТОВА,
Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси,
Барно КАРИМОВА,
Ангрен шаҳар ДНИ нотариуси

Умрбод таъминлаш шартномаси

Ёлғиз ва ногиронман. Меҳнатга қобилиятсизлигим сабабли яшаб турган уйимни менга қараб туриш шарти билан бировга ўтказсам бўладими?

Зайниддин Бобоқулов,
Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 530-моддасига кўра меҳнатга қобилиятсизлигингиз сабабли ўз номингиздаги уйингизни сизни моддий таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга топшириб, бу ҳақда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузишингиз мумкин.

Бундай шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Қонуний тасдиқланган шартнома келгусида содир бўлиши мумкин бўлган барча низоларнинг олдини олади.

Мен ўтган йили нотариал идора орқали ўзимга тегишли бўлган уй-жойни умрбод таъминлаш шарти билан ўзга бир шахсга топшириш шартномасини расмийлаштирган эдим. Лекин олувчи тараф, айни пайтда, зиммасидаги бурчни бажармаяпти. У билан шартномани бекор қилишим мумкинми?

Абдулла Жумаев,
Зангиота тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 533-моддаси талабига кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой(уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа бировга бериш шартномаси мажбуриятларини агар олувчи тараф бажармаса, бошқа шахсга берувчи тараф уни нотариал тартибда бекор қилиши мумкин.

Мен нотариал идора томонидан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойимнинг бир қисмини ўзга шахсга расмийлаштирганман. Лекин мажбурият олган шахс вафот этди. Энди шартнома шартлари қандай бўлади?

Норбуви Дамирова,
Чирчиқ шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 534-моддасига асосан, мажбурият олган шахс вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси мажбуриятлари унинг ворисларига ўтади. Агарда олувчининг ворислари бўлмаса ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси мажбуриятларини бажаришдан бош тортсалар, унда уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Саволларга Қибрай тумани ДНИ нотариуслари Шерзод ТЎРАБЕКОВ, Гўзал ҲУСАЙНОВА, Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуслари Римма ЧУМАРИНА, Ольга ЛАЧКАРЁВАлар жавоб беришди

Reklama

«SHAD SAVDO ZAMIN»
масъулияти чекланган жамияти

барча тадбиркорлик субъектларини очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ғиждувон туман ҳокимининг 2013 йил 14 июндаги 415-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

т/р	Объектнинг фаолият тури	Объектнинг ер майдони (кв.м)	Ер участкасининг сони (дона)	Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўм)	Объектнинг жойлашган манзили
1	Тўй маросимлар мажмуаси	1000.0	1	344 454	Ғиждувон туман Армечан ҚФЙ Сеталон аҳоли пункти
2	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	2500.0	1	861 136	
3	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси хамда тикувчилик цехи ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	2000.0	1	688 909	
4	Ғишт ишлаб чиқариш заводи	10 000.0	1	3 444 543	Соктари ҚФЙ Саидкент а/п
5	Тери ва жун қабул қилиш ва сақлаш омбори	1500.0	1	647348	Шарқ МФЙ Ю.Ҳамадоний кўчаси

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиб, ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқини қўлга киритган ғолиб томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ғиждувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан қўшиб берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни кўпи билан 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 29 июль куни соат 11:00 да очилади ва танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 29 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 5,12,19,26 август кунлари соат 11:00 да Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Талабгорлар диққатига!

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Телефон: 8 (365) 223-69-62.

Лицензия RR-0048



Театр ва замон

“Сени куйлаймиз, замондош!”

Ўзбекистон театрларининг 2-республика танлови бўлмоқда

Юртимизда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Тобора юксалаётган ва жаҳон миқёсида эътироф этилаётган бу муваффақиятлар аввало инсон омилининг натижасидир. Бунёдкор халқ вакилларини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш, уларнинг орзу-умидлари билан халқимизни таништириш, ёшлар қалбида эзгу мақсадлар учун ҳавас уйғотиш фан, санъат намояндалари, адиб ва журналистларнинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Қолаверса, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ватандошларимиз образини бадиий асарларнинг қаҳрамонларига айлантириш ҳар бир ижодкорнинг олдида турган улуғ мақсади, десак, муболаға бўлмас.



Бундан икки йил олдин республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда “Сени куйлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг 1-республика танловининг ўтказилгани юқоридаги мақсадни ҳаётга татбиқ этишда яхши бир анъанани бошлаб берди. Театр санъати соҳасидаги энг яхши асарларни аниқлаш учун ташкил этилган ушбу танловнинг асосий мақсади – вилоятлардаги театрларнинг ўзаро тажриба алмашишлари билан бирга томошабинни миллий театр санъатимизнинг энг сара намуналаридан баҳраманд этишдан иборат.

Ҳар икки йилда анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган мазкур танлов Ватанимиз мустақилликка эришганининг 22 йиллиги олдидан жорий йилнинг 23-28 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтмоқда. Унда иштирок этиш учун республика театрларидан 30 дан ортиқ саҳна асарлари тавсия қилинган эди.

Бу йилги танловда Ўзбек Миллий академик театри “Ойдин” (Р.Муҳаммаджонов) спектакли, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри “Меъмор” (Э.Хушвақтов), Ўзбек давлат драма театри “Ҳаёт формуласи” (А.Йўлдошев), Тошкент давлат мусиқали комедия театри “Эхо любви” (В.Вавилова), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри “Нур сояда қолмас” (Қ.Норқобил), Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри “Она қизим, чироғим” (П.Айтмуратов), Аббос Бакиров номидаги Андижон вилояти ёшлар театри “Меҳр қолур” (М.Ҳамидов), Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театри “Садоқат” (Н.Мажид), Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри “Аёл қадри” (Р.Муҳаммаджонов), Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри “Алла” (Х.Хурсандов), Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма театри “Сени соғиндим” (А.Абдуғофуров, М.Комилжонов), Фарғона вилояти рус драма театри “Ангел” (Л.Саъдуллаев), “Эски мачит” театр студияси “Ҳаёт бўсағасида” (Ш.Ризаев) спектакллари билан қатнашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, танлов доирасида 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Ўзбекистон Ёшлар театрининг “Содом и Гоморра XXI” спектакли, шунингдек, Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти битирувчиларининг “Ҳалима” номли саҳна асарлари ҳам санъатсеварлар эътиборига ҳавола этилади.

Танлов давомида “Саҳнада замондош образи” мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Унда “Сени куйлаймиз, замондош!” танлови ғолиблари аниқланади. Энг яхши деб топилган спектакллар эса халқаро фестивалларга тавсия этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, танлов орқали ўзбек театри саҳна асарларининг фондини бойитаётган ушбу изланишлар келажакда яратиладиган спектакллар учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди, ўсиб келаётган ёш авлодга ўзлигини англашга, халқимизга эса замондошларимиз орасидан ўз қаҳрамонларини кашф этишга катта ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Азим БАҲОДИР

Ҳамкасбларга

(Байрам ҳазили)

Ажиб кунда, ҳамкасблар, таъзим этай,
Шаънингизни улуғлашга жазм этай,
Қутламоққа байрам олди ашъор битай,
Айёмингиз қутлуғ бўлсин, журналистлар,
Қалбингизга қувонч тўлсин, журналистлар!

Қаншар узра ойнагингиз қўндирасиз,
Кеча-кундуз тинмай меҳнат ундирасиз,
Ўз ишингиз қойиллатиб дўндирасиз,
Барча ишга шундай қодир, журналистлар,
Бу дунёда жуда нодир, журналистлар!

Умр ўтар доим қоғоз, қалам билан,
Сирлашасиз кенг ижодий олам билан.
Илҳом келса ҳатто ёқмас ҳай-ҳай ўлан,
Эҳ борига, шукур қилар журналистлар,
Фақат ижод, фикр қилар журналистлар!

Бир мақсадга ҳамкорликда боғладик бел,
Бирлашайлик матбуотда, ҳамкасбим, кел.
Биз эзгулик куйлагувчи ижодкор эл,
Жамиятга сайқал, савлат, журналистлар,
Шунинг ўзи катта давлат, журналистлар!

Адолатли инсондурсиз дунёда энг,
Шуҳратингиз-тоғдек юксак шарафга тенг,
Қалам ўткир, фикр теран, мавзулар кенг,
Бекорга сўз асло айтмас, журналистлар,
Ўз сўзидан зинҳор қайтмас, журналистлар!

Ижодингиз гуллаб-яшнаб, палак отар,
Ёзганингиз юракларга чўғдай ботар,
Ёш-кексада ишонч тўла ҳис уйғотар,
Тинмай ёзиш келмас малол, журналистлар,
Касбингизнинг нони ҳалол, журналистлар.

Муборак кун қалб амрига қулоқ тутдим,
Бу дамларни, касбдошларим узоқ кутдим.
Табригимни шеър орқали изҳор этдим,
Ижодда сиз кучга тўлинг, журналистлар,
Шўху шодон яйраб-кулинг журналистлар!

Абдумажид ЖЎРАЕВ,
Навоий вилояти



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Нукус — (+99891)-384-41-61,
Самарқанд — (8-366)-233-62-12,
Термиз — (+99894)-262-25-33

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Фозил Жабборов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 19 00

Адади: 6062 Буюртма — J-7340 12345

Бу шундай туйғуки...

Миллий тараққиёт қонуниятлари

Бугунги глобализм шароитида, курраи-замин бир бутун, яхлит, айни пайтда, ҳимояга муҳтож эканлиги ва инсоният учун макон қилиб берилганлиги тобора чуқурроқ англаниб борилмоқда. Унинг яхлитлиги нафақат ижтимоий балки, табиий ва жуғрофий жиҳатдан ҳам уйғун қонуниятларга эга. Жумладан, инсон табиатнинг маҳсули сифатида у билан ўзаро уйғунликда ўз камолотига эришган. Уйғунлик инсон томонидан ўзлигини англаш маънавияти орқали намоён бўлади. Зеро, ўзликни англаш — бу юксалиш, тараққиёт, ривожланиш маданияти демакдир. У миллий доирадан юқори кўтарилган умумбашарий туйғулар ҳосиласи. Шу жиҳатдан инсоният ҳаёти ҳам бир бутун уйғун тақдир ва қисматга эга. Инсоният тарихининг тадрижий ривожини кузатиш асносида унинг ўзига хос қонуниятлари мавжудлигини кўрамиз. Зеро, ривожланиш занжирсимон ҳалқа тарзида бошқа халқлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ келади. Ушбу асослар маънавий ворисийлик негизларида токомиллашиб боради.

Яна бир жиҳати, инсоният тарихи эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш сингари ўзаро ихтилофлар, таназзул ва юксалишлар, бунёдкорлик ва вайронкорлик тарихидан иборат. Бу инсон руҳиятида мавжуд бўлган маърифат ва жаҳолат ўртасидаги зиддиятнинг ифодаси. Фақат ўзликни англаш натижасида инсон ўзидаги жаҳолатни жиловлаш салоҳиятига эга. Шу жиҳатдан инсоният тарихи ва ўзаро муносабатларини чуқурроқ таҳлил этсак, улкан ва буюк маданиятлар асрлар оша ўз сукунатидан сўнг ҳам ҳалоскор ғоя сифатида ўзлигини англаган халққа тикланиш ва тараққиёт имкониятини беради. Бу имконият аждодлар руҳи, улар яратган маданият маънавий мерос сифатида авлодлар қонида жўш уради, истиқбол йўлини ёритади. Маданий мерос ирмоқлари маънавиятга ташна қалбларни янги умидлар сари чорлайди.

Икки дарё оралиғида вужудга келган зардуштийлик таълимоти инсоният маданиятининг ибтидосини ифода қилувчи манба сифатида намоён бўлди. Бундай таълимотлар Хитойда конфуцийлик, Ҳиндистонда буддавийлик маданиятининг бир даврда вужудга келганлиги билан ҳам характерланади. Бу маданиятлар уч ҳалқа бурчаги остида бутун инсоният учун маърифат таратувчи улкан маънавий манба бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, инсоният тарихида Европа, Африка, Араб ва Узоқ шарқ мамлакатлари маданиятининг юксалишига улкан таъсир кўрсатганлиги бугун фанда ўз исботини топган.

Хўш, тарихий ривожланиш қонуниятларининг галдаги тараққиёт мезонлари Ўзбекистон учун қандай истиқболларни башорат қилмоқда?

Инсоният маданиятининг узвий ва боғлиқ ривожланиш қонуниятлари Ўзбекистон давлатининг ўрни ва имкониятларини қандай баҳолайди? Яқин истиқболларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият маданиятининг ривожига қўшадиган ҳиссалари кўлами нималарда намоён бўлади?

Бугунги замонавий фанлар хулосаси, миллатнинг қайси ҳудуд ва қандай табиий-жуғрофий шароит ва иқлимда жойлашиши унинг юксалиш имкониятларини белгиловчи дастлабки муҳим омиллардан бири эканлигини тасдиқламоқда. Бундай юксалиш хусусиятлари ўз ичига моддий ва маънавий оламни қамраб олади. Замонавий илмий-технологик таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, Ўзбекистон ниҳоятда бой ер ости ва ер усти неъматларига эга мамлакат. Бу ерда Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ғоят муҳим стратегик манбалар — нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металлар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металлар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон топилган. Қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан МДҲдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Бундай имкониятлар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт мезонларини белгиловчи улкан омиллардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, табиий иқлим маълум маконда яшаётган одамлар ички руҳиятини ва ташқи қиёфасини шакллантирувчи бирламчи омиллардандир. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида табиатнинг тўрт фасли мужассамлашган. Унинг сир-синоати ана шу мўъжизада бўлиб, табиатнинг бетакрорлиги шу ҳудудда истиқомат қиладиган инсонларда олижаноб фазилатларни вужудга келтирган. Бу юрт одамлари босиқ, вазмин, мулозаматли, андишали, мурувватли, саховатли, жасоратли, тинчликпарвар, айниқса, бағрикенглиги билан ажралиб туради. Зотан, табиат берган инъом ва имкониятлар одамлар ҳаётининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган. Африка иссиқликлари ёки Сибир совуқликлари каби табиат уларга офат келтирувчи куч эмас, балки, уларни ардоқловчи, тирикчилик манбаларини таъминловчи маконга айланган. Натижада одамлар табиатида уришқоқлик, тажовузкорлик, зуғум каби иллатларга деярли ўрин қолмаган. Ниҳол ҳосилдор тупроқдан вояга етгани каби, маърифат ҳам покиза ва беғубор қалбларда улғаяди. Ўзбек миллати юксак маданиятининг тарихий илдизлари ана шундай хосиятли замин қаъридан қувват олиб келаётир.

Икки дарё оралиғида вужудга келган мана шу маданият инсоният цивилизацияси тараққиётига асос солган дастлабки маърифат манбаси "Авесто"ни яратди. Бу маданият инсониятни жамоавийликдан давлатчиликка, ёзув, тил маданияти орқали одамзодни ибтидоий мавжудотлигидан инсон қиёфасини яратишга, ўз ҳаётининг бунёдкори бўлишига олиб келган маърифий кучга айланди. Бу инсоният маданиятининг вояга етиш даври эди.

Иккинчи юксалиш Хоразмий, Беруний, Фаробий, Ибн Синолар даври бўлиб, бу даврда илоҳий таълимотлар ўрнига илм-фан равнақига асос солинди. Илм-фан тараққиёт мезонига, инсониятнинг халоскор маънавий қудратига айланади. Ота-боболаримиз яратган илму-фан зиёси башариятга янги цивилизация эшикларини очишга хизмат қилади. Астрономия, тиббиёт, математика, мусиқа, фалсафа ва бошқа фанларнинг замонавий асослари яратилди. Бу босқич илмий кашфиётлар ижтимоий ҳаёт ривожини, инсоният ҳаёт турмуш тарзини янги маърифий поғонага кўтарган давр бўлиб кирди.

Учинчи юксалиш Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар маданияти даврига тўғри келади. Бу давр инсониятни қуллик ва истибдод зулмидан, талончилик, босқинчилик ва зўравонликдан, халқларнинг ўзаро ихтилоф ва курашларидан озод қилган давр бўлди. Айни пайтда, Европа ва Осиёни бирлаштиришга, жаҳон сиёсий майдонида барқарор муносабатларни таъминлашга, улкан маданият ва фан тараққиётига олиб келган давр бўлди. Адолат ва эзгуликни шиор қилган Соҳибқирон Амир Темур сиёсати урушлар ва талатўплар майдонига айланган қитъаларни тинчлик ва барқарорлик ўлкасига айлантирди. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида савдо-сотиқ, маданиятлар уйғунлиги ривож топди, буюк ипак йўли тикланди. Шу тариқа бобомиз икки қитъа тинчлигини таъминлашга эришган "Халоскор ҳукмдор" эътирофига сазовор бўлдики, жаҳон аҳли унинг хизматларини бугун ҳам муносиб қадрлаб келмоқда.

Тўртинчи юксалиш мамлакатимиз мустақиллиги даври бўлиб, миллий давлатчилик негизларига таянган давлат вужудга келди. Бу давлат аждодлардан қолган улкан қадриятларнинг тикланиши билан озод ва обод ватан қуришга қодир, замонавий, тубдан янги адолатли жамият асосларини яратишга салоҳиятли, жаҳон истиқболи ва тараққиётига юзланаётган, халқаро ҳамжамиятда тобора дадил юксалаётган демократик дунёвий тамойилларга асосланган тараққиёт даврини бошлаб берди.

Ўзбек миллатининг тўрт юксалиш даври тадрижий ривожига баҳо берадиган бўлсак, унинг асосида илм-фан ва маърифат ётганини кўрамиз. Боболаримиз томонидан яратилган илмий мерос ва оламшумул кашфиётлар, нафақат ўзбек миллати, балки жаҳон маданияти ривожига хизмат қилган.

Маънавий илдизларидан маҳрум бўлган миллат ўзининг маълум бир ривожи даврида дунёни англашда, давлат, ижтимоий ҳаёти тартиботларини ташкил этишда, ўзаро муносабатларни қуришда таназзул даврини бошидан кечиради. Аммо тарих қонунияти шундан иборатки, ҳар қандай ҳолатда инсоният ўз таназзулидан ўтмиш тарихи маданиятига, маънавий илдизларига — ўзлигига қайтиши орқали қудратини тиклаган. Маънавият миллатнинг янги тараққиёт ва юксалиш истиқболларини яратиш имкониятларини вужудга келтирган. Таъбир жоиз бўлса, ўзбек давлатчилигининг тикланиши ҳам шундай мураккаб тарихий эврилишлардан ўтиб келди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ўзбек миллатининг келиб чиқиш тарихи, қадимий давлатчилик ривожи, тили ва маданиятини, аждодларимизнинг улкан илмий-маданий меросини, қолаверса, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш орқали ўзлигини англаётган унутишга ҳаққимиз йуқ. Мамлакатда миллатлараро низоларни, беқарор ва бошбошдоқликни келтириб чиқариш орқали "Марказ" ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилади. Айтингчи, шундай муносабатларда қонуният тасодифларга буйсунадими? Йўқ! Бундан келиб чиқадики, мустақиллик қадамлари ўзўзидан пайдо бўлган тасодифий ҳодиса эмас! Бу мақсад халқ манфаатига, асрий орзу-умидларига асосланган озодлик йўлида қўйилган қатъиятли курашлардан иборат илк қадам бўлди. Мустақиллигимизнинг шонли қадамлари улғайиб борган сари ўзбек халқининг курашларда кечиб ўтган йўллари ҳам шунчалик равшан бўлиб кўринмоқда.

Бугун аждодларимиз томонидан яратилган ана шу буюк мерос ўзбек миллатининг жаҳон маданияти ривожига қўшган маънавий жасорати сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса ўз ўрнида миллий маданиятнинг юксалишида улкан имкониятларни туғдирмоқда. Бошқача айтганда, мазкур жараёнлар биз назарда тутаётган тарихий ривожланиш қонуниятларининг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон истиқболи учун янги тараққиёт даврини бошлаб бермоқда. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ўзгаришлари, кучли ижтимоий ҳимоя, жамият барқарорлиги, элнинг тинч-тотувлиги ўзбек давлатчилик маданияти ривожининг ёрқин ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ



Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида жойларда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Суратда: Каттақўрғон туманида барпо этилган тураржой массиви.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Солиқ почтасидан

Қатъий ставкалар

Маълумки, қатъий белгиланган солиқ қўлланадиган фаолият турларининг рўйхати, уларни тавсифловчи физик кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддасида ўз аксини топган. Хусусий тадбиркорлик субъектлари шуғулланишлари мумкин бўлган фаолият турлари эса Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги қарорига асосан тасдиқланган. Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги қарорида жорий йил учун юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий солиқ ставкаси вилоятлар ва мамлакатимиз пойтахти учун алоҳида-алоҳида кўринишда белгиланди.

Унга кўра, Тошкент шаҳрида қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилувчилар учун энг кам иш ҳақининг 9, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чакана сотувчиларга 5, ноозиқ-овқат товарлар билан чакана савдони амалга оширадиганлар учун 10, газета-журнал, китоблар чакана савдосини амалга оширувчиларга 5, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотларини чакана сотадиганларга 10, маиший ҳамда автосервис хизматлари кўрсатувчилар 3,5, сартарошлик, маникюр, педикюр, косметолог ва бошқа шунга ўхшаш хизматларда банд бўлганлар учун 4, ўз маҳсулотини ишлаб чиқарувчи, сотувчи, шунингдек, уй шароитида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда савдо жойларини ташкил этмасдан, доналаб сотиладиган озиқ-овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш, сотиш, бошқа фаолият турлари ва 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобилларини ишлатганлик учун 2,8 тоннагача юк кўтарадиган юк автомобилларини эксплуатация қилганлик учун қатъий солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида белгиланди.

Гиёс ДЎСМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод туман ДСИ бўлим бошлиғи

Имтиёзлар имконият яратмоқда

Хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш бугуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Айниқса, тадбиркорларни солиққа тортиш тартибларининг йилдан-йилга соддалаштирилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий равнақида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоятимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес вакиллари ҳам бундай имтиёзлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда

Ромитан туманида фаолият кўрсатаётган «Жасурбек-Фирдавс» хусусий корхонаси ягона солиқ тўлови бўйича имтиёздан фойдаланган боис, 2012 йилда 5 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни иқтисод қилишга эришди. Корхона иқтисод қилинган ушбу маблағни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишга сарфлашни мўлжалламоқда.

Юртбошимиз томонидан 2009 йилда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган имтиёзлардан мазкур корхона ҳам самарали фойдаланиб келмоқда. Ушбу қарорга кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ягона солиқ тўловининг тенг ярмини тўлашдан озод этилган. Мазкур қарор шарофати билан «Жасурбек-Фирдавс» хусусий корхонаси жорий йилнинг биринчи чорагида 600 минг сўмдан зиёдроқ маблағни тежашга эришди.

Кичик бизнес субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари уларнинг иқтисодий асосини янада мустаҳкамлашга шароит яратди. Биргина мисол: Юртбошимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «2011 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган солиқ имтиёзлари туфайли «Бухоро гилами» МЧЖ 220 миллион сўм, «Uz Korean medical» қўшма корхонаси эса 64 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни тежашга муваффақ бўлди. Солиқ кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳамда ҳукумат қарорлари асосида ўтган йиллар мобайнида 142 миллиард сўмга яқин маблағ вилоят корхоналари ихтиёрида қолдирилди.

Шофиркон туманидаги «Radost Grand» хусусий корхонаси ўз фаолиятини 2007 йилда нон ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Айни пайтда кичик корхона ишчилари нондан ташқари турли хилдаги нон маҳсулотлари, печеньеларни тортиқ этмоқда. «Radost Grand» хусусий корхонаси йил бошида фаолиятини кенгайтириш учун «Агробанк»нинг Шофиркон туман филиалидан 120 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Мазкур маблағ эвазига корхона муассислари хориждан зарур технологияларни харид қилди. Бугун ушбу технология кўмагида 20 турдаги печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Икки йил давомида шу ерда иш ўргандим, — дейди Шофиркон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Рамазон Фозилов. — Шу йилдан бошлаб корхона билан меҳнат шартномасини туздим. Келажакда ўзим ҳам тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман.

Дарвоқе, бу ерда Рамазонга ўхшаган йигит-қизлар кўп. Низомиддин Насруллаев, Наимжон Саъдуллаев, Сайёра Фозиловалар ҳам касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кун сайин кўпаяётгани эвазига юртимиз обод, элимиз фаровон бўлаётир. Бунда албатта, соҳага кўрсатилаётган эътибор ва берилаётган имтиёзларнинг самараси катта бўлмоқда.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси

Солиқ юки пасайтирилди

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Жумладан, жорий йилдан бошлаб солиқ ундиришда солиқ тўловчи қарзларининг энг кам меъёрлари белгиланди. Унга кўра солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг қуйи тузилмалари учун солиқ қарзлари энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача(1 591 800 сўмгача), жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари эса энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган тақдирда қарзларни мол-мулк ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, ер ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари 15, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солинадиган солиқ эса 20 фоизга индексация қилинди.

Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда ҳам аксарият солиқ турлари, жумладан, фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда бир қатор бошқа солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўтган йилда амалда бўлган ставкалари сақлаб қолинди.

Жорий йилда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пуллик хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқ ставкалари ҳам пасайтирилди. Унга кўра, вилоят бўйсинувидаги шаҳарларда ойига 1 квадрат метр учун энг кам иш ҳақининг 0,06, бошқа аҳоли пунктларида эса 0,04 баравари миқдорида белгиланди.

Н. ЖУМАНАЗАРОВ,
Навоий вилоят ДСБ бўлим бошлиғи

ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожида заҳматкаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши нашриёт", "Энг яхши матбаа корхонаси", "Энг яхши муқоваловчи", "Энг яхши босма устаси" ва "Энг яхши технолог" номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йиғилишда мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асриддинов, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Ватанда эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик, — дейди "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. — Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва холислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

Умид ЕҚУБОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ғолиблари

Аъло Абдуллаев — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Фотоахборот таҳририяти фотомухбири — Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

Саидолим Абдураҳмонов — "Адолат" газетасининг махсус мухбири — Жамият ҳаётида юз бераётган демократлаштириш жараёнлари акс этган, долзарб масалалар ёритилган таҳлилий-танқидий материаллари учун.

Насриддин Асриддинов — "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири Ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган "Бугуннинг гапи" ток-шоулари учун.

Эркин Ёдгоров — "Бухоронома" газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири Вилоятда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг таҳлил этилган мақолалари учун.

Барчиной Жўраева — ЎзМТРК "Дунё бўйлаб" телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Истиқлол йилларида республикамизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган "Дунё ичра дунё — Ўзбекистоним!" туркумидаги кўрсатувлари учун.

Мамадиёр Зиёдинов — "Халқ сўзи" газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири — Мамлакатимизда ва вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами ва самаралари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши тўғрисидаги мақолалари учун.

Луиза Маҳмудова — "Туркистон -пресс" нодавлат ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири (интернет-журналистика) — Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсати, унинг стратегик устувор йўналишлари мазмун-моҳияти таҳлилий ёритилган материаллари учун.

Тамара Машарипова — Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, "Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси" масъул котиби — Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир педагогик ва ижодий фаолияти учун.

Ҳабиб Пўлатов — НТТ телеканали "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастури мухбири — "Мустаҳкам оила йили" ва "Обод турмуш йили" Давлат дастурлари ижроси ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Озода Яхшибоева — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатини тарғиб этган материаллари учун.

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Меҳри Абдураҳмонова *(Жиззах вилояти)* — Вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар бошқармаси нашри – "Келажак бунёдкори" газетаси бош муҳаррири

Муқаддас Абдусаматова Фахрий журналист

Арухан Акпанбетова — "Нурлы жол" газетасининг адабиёт, маданият ва санъат бўлими мухбири

Шоҳида Даманова — "Миллий тикланиш" газетаси мухбири

Мукаррам Жалилова — ЎзМТРК "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" ахборот дастури бош муҳарририяти бўлим мудири

Мафтунахон Мамасиддиқова (Фарғона вилояти) — "Марғилон-ТВ" телеканали муҳаррири

Раҳим Мақсудов (Навоий вилояти) — "Қизилтепа тонги" туман газетаси бош муҳаррири

Камолиддин Мингбоев (Сурхондарё вилояти) — "Сариосиё" туман газетаси мухбири

Анорбой Норқулов (Сирдарё вилояти) — "Мирзаобод" газетаси бош муҳаррири

Муҳаммад Обилов (Наманган вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси "Олтин замин" радиоси бош муҳаррири

Оллоберган Ражабов (Хоразм вилояти) — "Хоразм ҳақиқати" газетаси агросаноат бўлими мудири

Екатерина Соболева — "Uzbekistan Today" газетаси мухбири

Нигора Шофайзиева (Тошкент вилояти) — Ангрен шаҳар "Улуғ йўл" газетаси муҳаррири ўринбосари

Жаҳонгир Эгамназаров (Андижон вилояти) — "Тараққиёт" телерадиокомпанияси муҳаррири

Дилфуза Қўзиева — "Фермер" журнали масъул котиби

Ҳамкасб

Касбдан эътибор топганлар

Пўлатжон аканинг журналистлик касбига меҳри болалигида тушган. Отаси Адҳам Ҳамдам машҳур адиб Садриддин Айнийнинг адабий котиби бўлган. Ўша пайтлари Самарқанд педагогика академиясида таҳсил олиб, бир муддат ўзбек тили ва адабиётидан дарс ҳам берган. У киши меҳмондўст, хушчақчақ одам бўлгани учун машҳур ёзувчи ва шоирларнинг барчаси уйига меҳмон бўлиб келарди. Улар орасида С.Михалков, Азиз Несин, ҳинд шоираси Амрита Притам каби ижодкорлар ҳам бор эди. Қаҳрамонимизда адабиётга муҳаббат ўша йиллари уйғонган.

Ажойиб инсонларнинг дилдан айтган гаплари ҳамон ёдида. Ғафур Ғуломнинг "Пўлатжон, шунча русча ўқиганинг етади. Энди ўз она тилингдаги олий ўқув юртига ўқишга кир" деган киноясі, Абдулла Қаҳҳорнинг "Йўлакчаларга сув сепишингга қараганда ижодкор бўласан-ов!" деган ҳазили, Саид Аҳмаднинг "Журналист бўлмоқчи экансан. Танқидий мақолани режалаштирганингда сира қўшнингни ёзма. Мен сенга буни тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман" деган маслаҳати унинг қулоқлари остида ҳамон жаранглайди.

Пўлатжон Самарқанд шаҳридаги 43-ўрта мактабда ўқиган кезларида республика радиосининг болалар эшиттиришларига хат ва хабарлар ёзиб турарди. Ажойиб инсон, таниқли ёзувчи Ўлмас Умарбеков билан ҳам ўша ерда танишган, маслаҳатларига қулоқ тутган. Бу жамоадаги ижодий муҳит ундаги адабиётга бўлган иштиёқни янада кучайтирди. Ҳаётининг кейинги йилларини ҳам ижод билан боғлаш учун Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика бўлимига ҳужжат топширди. Шукур Холмирзаев, Муҳаббат Туробова, Бекмирза Маҳмудов, Санъат Маҳмудова каби бўлажак ижодкорлар билан танишди. Улар билан имтиҳонларга бирга тайёрланди. Бахтлари бор экан, ҳаммалари талаба бўлишди. Ўша пайтда Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиз» асари ёшларнинг қўлидан тушмасди. Кўп ўтмай курсдоши Шукур Холмирзаевнинг «Оқ отли», «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» асарлари ҳам оғизга тушиб қолди.

Ҳарбий хизмат — денгиз флотининг романтикаси Пўлат Ҳамдамнинг туйғуларини чархлади. У бир неча йил Самарқанд туманининг «Шарқ тонги» газетасида маданият бўлими мудири вазифасида ишлади. Устозларидан касб синоатларини ўрганди.

Кейинчалик «Правда Востока» газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб қатор йиллар ишлади. Мана 21 йил тўлибдики, ижодий изланишда. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Бугун улар республикамизнинг турли гўшаларида фаолият юритмоқдалар. Хусусан, вилоятда нашр этилаётган бўлса-да, республика миқёсида кўплаб мухлислар орттираётган «Диёнат» газетасига етакчилик қилаётган Исроил Юсупов, «Болалар дунёси» газетасида муҳаррир ўринбосари Мардон Эсонбоев, вилоят телерадиокомпанияси мухбири Элёр Абдулвоҳидов, ЎзА мухбирлари Акрам Сатторов, Ҳотам Мамадалиев, вилоят матбуот хизмати ходимлари Соҳибжон Рапиқов, Илҳомжон Раҳматов, Ҳамиджон Убайдуллаевлар шулар жумласидандир.

Қаҳрамонимизнинг соҳага қўйган меҳри, тинимсиз ўқиб-ўрганишлари зое кетмади. Унинг эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. «Меҳнат шуҳрат»и орденига сазовор бўлди. Айни пайтда Пўлат Ҳамдам «Народное слово» газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири вазифасида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда.

Фозил ЖАББОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Амалий ёрдам

Хизматда фойдаланиш учун

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами Фарғонада ўзгача шукуҳ билан нишонланди. Вилоят ҳокимлиги вакиллари журналистларни касб байрами билан қутлаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. Йил давомида ўз ижоди билан эл оғзига тушган нашр, телерадиоканаллар ва ижодкорлар меҳнатига муносиб баҳо берилди.

Кейинги икки йил мобайнида вилоятдаги 80 дан зиёд босма ва 6 та электрон оммавий ахборат воситалари замон билан ҳамқадам бориб, ўз моддий техника базасини янгилади. Таҳририятлар замонавий компьютер, алоқа воситалари билан таъминланди. Журналистлар касб малакасини оширишнинг турли услубларидан самарали фойдаланилмоқда. Улар эркин, қулай шароитларда ижод қилиши учун таҳририят бинолари таъмирланди, айримларига янги бинолар қуриб берилди. Бу ишлар давом эттирилиб, касб байрами куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов, вилоят бўлими ташаббуси билан вилоятдаги 10 та таҳририятга хизматда фойдаланиш учун "Дамас" ва "Нексия" русумли автомашиналар калитлари топширилди.

— Ўтган йили 6 та таҳририят янги транспорт воситалари билан таъминланган эди. Йил давомида яна 10 та таҳририятга автомашина ажратишга эришиш мақсадини қўйганмиз, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов.

Моҳиёра БОЙБОБОЕВА

Малака ўқуви ижодий мулоқот ва маҳорат

Аҳолининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш эркин, демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Албатта, бундай масъулиятли ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Зотан, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда асосий таянч ҳам ОАВ ходимларидир.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган давр кўплаб бошқа соҳалар каби журналистлардан ҳам мунтазам равишда малака маҳоратини оширишни талаб этаётир. Шу кунларда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди лойиҳасига кўра Навоий ва Бухоро вилоятлари нашрларида ишлаётган 20 нафар журналистнинг республика марказий нашрлари тажрибасини ўрганаётгани ҳам айнан шу мақсадларни кўзда тутади.

Республика ҳудудий босма ОАВда ишлаб келаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш лойиҳаси 2008 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Ўтган йиллар давомида лойиҳада вилоят, шаҳар, туман таҳририятларида фаолият олиб бораётган 500 га яқин ёш журналистлар қатнашиб ўз билим ва кўникмаларини оширишди.

Журналистлар амалиёт давомида марказий босма оммавий ахборот воситалари фаолияти мисолида соҳадаги техник-технологик янгиланишлар, журналист ихтисослашуви, касбий маҳорат сирлари ва бошқаларни ўрганадилар. Лойиҳа иштирокчилари нашрлар фаолиятидаги ҳар бир жараёнда бевосита иштирок этиб, уларга тажрибали устоз-журналистлар томонидан маълумот ва тушунчалар берилади.

Навбатдаги ташкил этилган лойиҳа «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВ роли» йўналишида ўтказилди. Таклиф этилган журналистлар «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти» мавзуидаги ўқув-семинарида, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ масъулиятини ошириш масалалари» мавзуидаги семинарда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — уларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида» тадбирда, шунингдек «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ёритишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида семинар-тренингларда иштирок этишди.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

Дараклар

ЙЎҚОЛГАН ШАҲАР ТОПИЛДИ

Археологлар Мексика жунглиларида изсиз йўқолиб кетган майя ҳиндуларининг қадимий шаҳрини топишди. Словения Фанлар академиясининг доценти Иван Спрайц раҳбарлигидаги экспедиция бу манзилда турли баландликдаги 15 та эҳромни аниқлади, улардан бирининг баландлиги 23 метрдан иборат эди.

Бу ерда шаҳарнинг бош майдони, турли маросим ўйинлари ўтказиладиган жойларнинг ўрни белгилаб олинди. Археологлар «йўқолган» шаҳарга Чактун, яъни қадим майялар тили билан айтганда «Қизил тош» деб ном беришди. Шаҳар харобалари Юкатан ярим оролидаги Четумаль шаҳридан 120 километр ғарбда жойлашган бўлиб, у 22 гектарлик майдонни ишғол этади.

Қадимий шаҳарнинг энг гуллаб-яшнаган даври эрамизнинг 600-900-йилларига тўғри келади. Унда чамаси 30-40 минг киши истиқомат қилган. Аҳоли бу шаҳарни иқлим ўзгариши ёки урушлар оқибатида тахминан 1000-йилларда ташлаб кетган деб фараз қилинмоқда.

ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАР КИМГА СОТИЛМОҚДА?

АҚШ 2012 йилда қайси давлатларга қурол-аслаҳалар экспорт қилганлиги ва Америка ҳарбий экспорти ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни БМТга тақдим этди. Курол-яроғлар асосан Миср, Корея Республикаси ва Ироқ мамлакатларига сотилган, аммо ушбу рўйхатда собиқ иттифоқ тасарруфида бўлган мамлакатлар ҳам бор.

Жумладан, Мисрга 149 та танк ва 7 та самолёт етказиб берилган. Ироқ эса 449 та бронетранспортёр, 30 та команда-штаб автомашинасини олган. Шунингдек, Корея республикаси АҚШдан 3 та самолёт, 144 та ракета ва бошқариладиган ракетлар учун 4 та отувчи қурилма ва бундан ташқари 16 та стандарт ракета харид қилган.

Экспертлар айни пайтда жаҳон қурол-яроқ бозорида АҚШнинг улушини 30 фоиз деб баҳоламоқда, қурол-яроқ экспорти бўйича иккинчи ўринни Россия (26 фоиз) эгаллаб турибди.

5-ҚАВАТДАН ЙИҚИЛГАН ҚИЗЧА ОМОН ҚОЛДИ

Хитойда 5-қаватдаги уй деразасидан йиқилган икки ёшли қизча бахтли тасодиф туфайли тирик қолди. Маълум бўлишича, ҳали ота-онаси ғафлат уйқусида ётган пайтда қизча дераза рахига чиқиб олган. Шу пайтда пастда турган икки киши бу ҳолни кўрган.

Улар қизча йиқилиб тушаётганда дераза тагига етиб келишиб уни илиб олишга улгуришган. Гарчи қутқарувчиларнинг ўзлари бироз жароҳат олган бўлса-да, қизчага мутлақо зиён етмаган.

Буюк Британиялик йигирма ёшли Том исмли йигит ҳам таътил чоғида Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрига меҳмонга келиб шундай аҳволга тушди. У оқшом бироз ширакайф ҳолда, 15-қаватдаги хонадан ўзининг 14-қаватдаги хонасига сакраб тушмоқчи бўлди. Юқори қаватда яшаётган аёлнинг айтишича, йигит унинг ҳай-ҳайлашига қарамай пастки қаватга сакраган. Аммо мўлжални хато олгани боис, у қўшни бинонинг томига йиқилиб тушган.

Натижада унинг бир нечта қовурғаси ҳамда ички аъзолари шикастланди. Шифохонада ўзига келган жабрдийданинг аҳволи анча яхши.

ТЕЛЕБОШЛОВЧИНИ ҚЎРҚИТГАН ЎРГИМЧАК

Канада Global B.C. телеканалининг бошловчиси Кристи Гордон жонли эфир чоғида студияга тасвирларни узатувчи

кўчма камера экранида баҳайбат ўргимчакни кўриб, ваҳимадан бақириб юборди. Буни қарангки, митти махлуқнинг бир неча минг марта йириклаштириб, инсон бўйининг нақ ярмича қилиб кўрсатилиши бунга сабаб бўлган.

Ўша дамда бошловчи чинқирганича студиядан қочиб чиққан. Ҳамкасблари унга хонада ҳеч қандай ўргимчак йўқ, бу бор-йўғи унинг тасвири холос, деб тасалли беришгач, аёл ўзининг баҳайбат махлуқдан ниҳоятда қўрққанлигини баён қилган. Шуниси ажабланарлики, ўтган йили август ойида жонли эфир пайтида ҳам бу аёлнинг юзига қўнғиз келиб қўнган. Телебошловчи ўшанда томошабинлардан узр сўраган ҳолда, жониворни юзидан олиб ташлаб, ишини давом эттирган эди. Бу галгиси ошиброқ тушди.

ЯПОНЛАРНИНГ ЯНА БИР МЎЪЖИЗАСИ

Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари гриппга қарши зардобни мутлақо оғриқсиз танага киритишга имкон берувчи терига ёпиштириладиган юпқа пластир яратилганини маълум қилишди.

Диаметри 1 сантиметр бўлган матога тахминан 250 та майда игнача ўрнатилган. Ҳар битта игнанинг узунлиги 0,8 миллиметрни ташкил этади. Улар гриппга қарши зардоб қотишмаси ва гиалурон кислотасидан тайёрланган.

Йигирма киши иштирокидаги клиник синовлар пайтида ушбу ишланма ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Тадқиқотчилар тажрибани давом эттирган ҳолда, мазкур пластир-зардобни 5-10 йил ичида амалиётда кенг қўллашни мўлжаллашмоқда.

Бундан аввалроқ Лондон империя коллежи олимлари экстрогенни қонга юборувчи пластир яратилганлиги тўғрисида маълумот беришганди. Бу пушт шамоллаши оқибатида келиб чиқадиган саратонни даволашда бошқа усулларга қараганда арзон ва хавфсиз экан. Шунингдек, шифокорлар ушбу турдаги пластирлар ёрдамида мигренни ҳам даволаш таклифи билан чиқишди.

Иллинойс университети ходимларининг кашфиёти янада ғаройиб. Улар ишлаб чиққан атиги соч толаси қалинлигидаги электрон пластир юрак уриши, тана ҳарорати, мускулларнинг қисқариши ва бошқа бир қатор ҳаётий кўрсаткичларни назорат қилиб туради.

САТУРНДАГИ БЎРОНЛАР СИРИ ОЧИЛДИ

Испаниялик астрономлар Сатурн сайёрасида Улкан оқ доғни пайдо қилувчи кучли бўрон сабабларини аниқлашга муваффақ бўлишди.



Бўрон турганида Сатурн атмосферасининг юқори қатламларида шамол оқимлари тезлиги соатига 570 километрга, яъни секундига 160 метрга етади. Таққослаш учун айтишимиз мумкинки, Ердаги энг кучли шамолнинг тезлиги секундига 140 метрга етган ва у йўлида учраган барча иншоотларни бутунлай яксон қилган.

Сатурндаги Улкан оқ доғни Ердаги унча мукаммал бўлмаган телескоплар орқали ҳам кўриш мумкин. Астрономлар уни 1876 йилда қайд этишган, аммо пайдо бўлиш сабаблари шу кунга қадар аниқланмаган эди.

Тадқиқотчилар Сатурндаги шамоллар харитасини тузиб, диаметри 10 минг километрлик Улкан оқ доғ пайдо бўлишини ўрганиш жараёнларида бу қадар кучли шамолни келтириб чиқарадиган энергия манбаи билан қизиқишди. Инфрақизил тасвирлар булутларнинг одатдагидан 44 километр баландда эканини, атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳарорат эса 60 даражагача қизишини аниқлаб берди. Маълум бўлишича, энергия манбаи булутлар қатламидан 300 километр пастдаги қизиган газ экан. У ички оқимлар таъсирида кўтарилиб, тепадаги доимий эсувчи шамолларга тўқнаш келади. Айнан шу жараёнда Улкан оқ доғ ҳосил бўлади.

У тахминан ҳар 28 йилда пайдо бўлади, бу давр Сатурнда бир йилни ташкил этади. Гарчи Сатурн атмосфераси ва ядровий тузилиши хусусида ҳали кўп жумбоқлар ечилмаган бўлсада, олимлар унинг марказида Ер массасидан ўн баравар ортиқ бўлган қаттиқ ядро борлигига шубҳа қилишмаяпти. Ундаги иссиқлик ҳарорати эса 10 минг даражадан зиёдни ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида А. АЗИМОВ тайёрлади.

Шарҳ

Матбуот қурол эмас, тараққиёт воситаси

Бугун жаҳонда хавф-хатарга тўла жараёнлар кечмоқда. Бу мураккаб давр кўпинча ахборотлашув асри ёки глобаллашув ҳам деб номланади. Чунки ер юзининг қайси пучмоғида қандайдир воқеа юз бермасин, бир неча сонияда одамзод бу ҳақда хабар топмоқда. Ахборот оқимининг бундай тезкорлиги жамиятда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ошиб бораётганининг яна бир далилидир. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида «... бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда» дейилгани бежиз эмас.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратиш учун, аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга, жамият ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айлантириш зарур. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, Концепцияда айтиб ўтилганидек, «инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».

Мамлакатимизда бу борада самарали ишлар қилинмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. Муҳими шундаки, бу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айни чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди.

Аммо афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда матбуот эзгу мақсадлар кўзланган ахборотларни тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, маълум бир гуруҳлар, ўз манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилаётган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга сингдиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг хавфли қуролга айланиб бормоқда. Жаҳон ахборот майдонида тобора кўлами кенгайиб бораётган бу жараённи тўхтатиш мушкул. Энг ёмони мавҳ этишнинг кўзга кўринмас бу қуроли ёшлар онги ва қалбини нишонга олаётгани хавотирлидир. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар ўз манфаатларига зид тарздаги ана шундай ахборотларга нисбатан аҳолида иммунитет ҳосил қилиш мақсадида ОАВнинг таъсир кучини тўғри ўзанга солиш йўлини танламоқдалар.

Тан олиш керак, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт барпо этиш баробарида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун ҳам зарур шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади. Негаки жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазият шуни тақозо қилади. Жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш билан бирга, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, баркамол авлодни умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланган. Энг муҳими, ҳар бир матбуот фидойисининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, қўшни давлатларда вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Демократия ниқоби остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари "қўли" билан амалга оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик давр талаби эканини яна бир бор ёдимизга солади. У ёки бу мамлакатни ёмон отлиқ қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмаяпти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу ғоялар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ачинарли ҳолатдир.

Нима бўлганда ҳам глобаллашув жараёнлари шароитида у ёки бу мамлакатнинг миллий хавфсизлигига қаратилган таҳдидлар орасида ахборот хуружлари асосий ўринни эгаллаётганини мутахассислар унинг фуқаролар онгига таъсир этиш кучи юқорилиги билан изоҳламоқдалар.

Аслида бундай эълон қилинмаган "уруш"лар замирида ёлғон ахборот тарқатишдан ташқари, ижтимоий онгни эгаллаш, нишонга айланган мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий қадриятларини йўқ қилиш, уни тарихий хотирасидан айириш билан бирга кишилар онги, турмуш тарзига ёт ва бегона қадриятларни сингдириш мақсадлари ҳам ётибдики, бу ана шу ҳудуддаги аҳолини манқуртлик кўчасига киритишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Кузатувчилар айни пайтда ахборотларнинг 80 фоизини бор-йўғи 4-5 тагина ахборот агентлиги дунёга тарқатаётганини эътироф этишмоқда. Бу эса айнан ана шу ташкилотларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устунлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда тарқатиш, шу йўл билан ахборот маконида етакчилик қилаётганини кўрсатади.

Дунё саҳнасида ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ахборот хуружлари эса ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан миллий матбуотнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Бу матбуот учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи йўқлигини кўрсатади. Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Шу нуқтаи назардан миллий матбуот юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англатиб турувчи асосий восита бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдидаги масъулиятини белгиловчи асосий мезондир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам матбуот ва ОАВни янада ривожлантириш мақсадида *«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»*, *«Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»*, *«Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»*, *«Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»* каби Қонунларни қабул қилиш ва бир қатор қонунларга тегишли қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш таклифлари илгари сурилдики, уларнинг бари матбуотнинг том маънодаги эркинлиги ва иқтисодий манфаатларини таъминлашга, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш ишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бугунги кунда республикамизда 1218 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетен-ахборотномадир. Телерадиотармоқлари 100 дан ортиқ, веб-сайтлар эса 150 тани ташкил этади. 4 та ахборот агентлиги ишлаб турибди. Даврий ва оммавий нашрлардаги материаллар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар давлат тилидан бошқа тилларда ҳам ҳавола этилмоқда. Соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллигини, эркинлигини амалда таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмлар яратилди. Бу эса ижод аҳлидан масъулият билан ишлашни талаб этади. Журналистларимизнинг ижодий фаоллиги ва маҳоратини оширишда Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган турли номдаги танловлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" каби кўрик-танловлар иқтидорли журналистларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, уларни янги ижодий марралар сари даъват этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Она диёримиз мустақилликка эришган давридан бошлаб ҳар йили "27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келинмоқда.

Биз бугун қайси бир мамлакатда фаолият юритаётган ОАВ фаолиятини таҳлил этмайлик, улар кўп ҳолларда ана шу жамиятларнинг миллий манфаатларига қай даражада хизмат қилаётганликларига қараб фаолиятига баҳо берамиз. Зеро, кўз ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этган, воқеа-ҳодисаларни холис шарҳлаётган, уни одамларга аниқ-тиниқ етказа оладиган матбуотгина мамлакатлар ва халқлар тинчлиги ҳамда барқарорлигига ҳисса қўшган бўлади.

А. САЙБНАЗАРОВ

ННТлар фаолиятидан

Ёшларнинг “Ҳамроҳ”и

Сўнгги йилларда Андижон вилоятида таълим, фан, маданият, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш бўйича катта тажриба тўпланди. Мазкур жараёнда давлат ташкилотлари, хусусий сектор вакиллари билан бир қаторда вилоятда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам муносиб улушлари бор, албатта. Мазкур мақолада вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилот — “Ҳамроҳ” ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Ташкилот барпо этилганидан буён ҳамкор ташкилотлар билан қатор эътиборга молик лойиҳалар амалга оширилди. Улар ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир. Масалан, 2010 йилда амалга оширилган «Ширкат — умумий уйимиз» лойиҳаси фикримизни исботлайди. Қайд этиш жоизки, мазкур соҳани атрофлича ўрганиш натижасида унинг ишлаш механизмини тубдан яхшилаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкат (ХУМШ)ларини малакали кадрлар билан таъминлаш долзарб масала экани маълум бўлди. Ҳатто ҳозир ҳам кўплаб юртдошларимиз ўзларида бу каби ширкатлар хизматига эҳтиёж сезадилар. Аммо аксарият ҳолларда уларнинг ишлари қониқарли эмаслиги сир эмас. Мақсад фақат аҳолидан пул йиғиш эмас-ку.

Шу боис, “Ҳамроҳ” нодавлат нотижорат ташкилоти Андижон вилоятининг Асака туманидаги кўп қаватли турар жойларга хизмат кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган лойиҳани муваффақиятли амалга ошира олди. Лойиҳа Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан молиялаштирилди. Туман ҳокимлиги ва тегишли ҳамкорлар билан биргаликда 200 нафар коллеж битирувчиси ва вақтинча ишсиз бўлган ёшларга ХУМШлар фаолияти ва ўз-ўзини бошқариш ҳақида атрофлича билим берилди. Кўп қаватли уйларда вужудга келган муаммолар тўғрисида семинар-тренинг иштирокчилари томонидан ижтимоий видеоролик тайёрланиб, маҳаллий телевидение орқали намойиш этилгани кўплаб томошабинларнинг ХУМШлар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартира олди. Шунингдек, семинар-тренинг давомида кўп қаватли уйларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишда қандай йўл тутиш мақсадга мувофиқ экани хусусида мутахассислар томонидан аниқ тавсиялар берилгани, уларнинг ечими аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатилгани ХУМШлар олдидаги муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши уқтирилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилоят бўлими ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Андижон минтақавий ахборот-таҳлил маркази, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «IDAS ELECTRONICS» қўшма корхонаси каби ҳамкор жамоалар билан биргаликда амалга оширилган «Битирувчи, ўз танловингни амалга ошир!» лойиҳаси вилоят ёшларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Айниқса, коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ишга жойлаша олмай юрган ёшларга ҳамкорлар билан биргаликда бўш иш ўринларини топишда амалий ёрдам кўрсатилди.

— Мазкур лойиҳада 140 дан зиёд ёш иштирок этди. Уларга ишга жойлашиш бўйича аниқ тавсиялар бериш билан бирга ўзига маъқул бўлган вакант жойни топишда зарур ҳуқуқий билимлар берилди, — дейди «Ҳамроҳ» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Нигора Мадазимова. — Ўқув тренингларда қатнашган битирувчиларнинг эндиликда доимий иш ўринларига эга эканликлари лойиҳа бесамар кетмаганини билдиради.

Маълумки, мамлакатимизда коллеж битирувчилари орасида кичик бизнес билан шуғулланувчилар сафини кенгайтириш устида жиддий ишлар олиб борилаяпти. Шундай экан, ёшларнинг тадбиркорлик салоҳияти бугундан шакллантириб борилса, бир кун келиб, мамлакат келажаги дунё тан оладиган ўзбек тадбиркорларининг измида бўлади. Юқоридаги фикрлар тасдиғи ўлароқ, кўплаб коллеж битирувчиларининг бизнес-режаларини амалга оширишда банкларимиз зарур имтиёзли кредит маблағларини ҳам ажратмокда. Битирувчи йигит-қизлар томонидан тайёрланган бизнес-режаларни ҳаётга татбиқ этишда яқиндан кўмаклашиш мақсадида “Ҳамроҳ” жамоат ташкилоти ўзининг “Старт Апнинг энг яхши бизнес лойиҳаси”-ни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тақдим этди. Мавзу йўналишининг жамиятимиз ва ёшлар ўртасидаги аҳамияти инобатга олиниб, бу лойиҳа кенг қўллаб-қувватланди.

— Лойиҳа Шаҳрихон, Асака ва Избоскан туманларидаги коллеж битирувчилари ўртасида амалга оширилди. Улар орасида пишиқ-пухта бизнес-лойиҳаларга эга ёшлар кўпчилик экани, очиғи, бизни анча шошириб қўйди, — дейди Нигора Мадазимова. — Улардаги ҳаётга қизиқиш, халқимизга нафим тегсин, тенгдошларимга янги иш ўринлари яратаман, деган уйғоқ фикрлар борлиги, элим деб, юртим деб ёниб яшаётгани бизни ниҳоятда қувонтирди. Лойиҳада қатнашган 140 нафар битирувчининг барчасига ана шундай кўмаклаша олмаган бўлсак-да, уларга зарур ҳуқуқий ва молиявий масалалар бўйича маслаҳатлар бердик. “Старт Апнинг энг яхши бизнес лойиҳаси”да энг яхши бизнес-режа билан қатнашган 7 та ғолибга ҳамкор ташкилот — «Микрокредитбанк» ОАТБнинг вилоят бўлими томонидан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ёшларга кўрсатилаётган ҳар қандай ёрдам изсиз кетмайди. Улар кун келиб, албатта, юртимизнинг таянчига айланишади. Бу эса «Ҳамроҳ» каби нодавлат ташкилотларнинг фаолияти бесамар кетмаётганини билдиради.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
“Hurriyat” мухбирлари

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Эҳтиёт бўлинг!

Сув сокин оқмайди

Мамлакатимизда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, улар ҳаётини кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш масъулиятли вазифа ҳисобланади. Хусусан, ФВВ қошидаги бир қанча қидирув-қутқарув тузилмалари рўй бериши эҳтимоли бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда вазирлик тузилмаларида авария-қутқарув, сувда қутқарув, тоғ-қутқарув, радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза, техник-муҳандислик гуруҳлари жамланган.

Кунлар қизий бошлаган айни палларда одам тангадек бўлсада соясалқин жойларни ахтариб қолади. Айниқса, тезоқар анҳор ва каналлар, дарё ва кўллар атрофи болакайлар билан гавжум бўлади. Сув инсон ҳаёти учун қанчалик ҳузурбахш бўлса, шу қадар хавфли ҳам. Афсуски, шу боис, ёз мавсумида чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар тез-тез содир бўлади. Бу эса Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда унинг қуйи тизимида хизмат қилаётган қутқарувчи-ғаввослар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

— Бундан икки йил олдин содир бўлган воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дейди Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси қидирув-қутқарув гуруҳи командири, “Жасорат” медали соҳиби, сержант Мақсуд Мансуров. — Олий ўқув юртини тамомлаган 4 нафар битирувчи дипломни “ювиш” баҳонасида “Ўзбекфильм” яқинидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” канали бўйига боришади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда сувга шўнғишган. Натижада ўзларини бошқаролмай қолишади. Оқибатда эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўйишга чоғланиб турган икки нафар йигит бевақт нобуд бўлди, қолганларига ўз вақтида ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, ФВВ тизимининг асосий бўғинларидан бири — сувда қутқарув гуруҳидир. Мазкур хизмат ташкил этилганидан буён қутқарувчи-ғаввосларимиз томонидан сувга чўкиб кетаётган ўнлаб инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди, десак, хато бўлмайди. Аммо қутқарувчи-ғаввос касбини эгаллаш осон иш эмас. Ғаввослик кийимини кийиб, кислород тўлдирилган баллончани елкасига тақиб, чўкиб кетаётган инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ўзи бўлмайди. Бу одамдан катта жасорат, жисмоний тайёргарликни талаб қилади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошида ташкил этилган ғаввослар мактабида юзлаб ўғил-қизлар ана шундай жасорат руҳида тарбия қилинаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қутқарувчи-ғаввослар хизматидан табиатни муҳофаза қилишда ҳам фойдаланилади. Бундан бир неча йил илгари Сурхондарёда бир воқеа юз берган. Ўшанда Термизда жойлашган Учқизил сув омбори тагида қолиб кетган нефть қудуғидан сизиб чиқаётган нефт қолдиқлари сув юзасини ифлослантираётгани тўғрисида маълумот олинди. Гап шундаки, 1936-1946 йилларда Учқизил сув омбори жойлашган ҳудудлардан нефть қазиб олинган. Кейинчалик иқтисодий ўзини оқламаганлиги туфайли ёпиб қўйилган. Орадан бирмунча вақт ўтиб, бу ерда сув омбори қурилгач, ҳавза кенгайиши натижасида, ёпилган қудуқлардан 16 таси сув остида қолиб кетган. Оқибатда чириб битган қувурлардан сизиб чиққан нефть қолдиқлари омбор қирғоқларига урилиб, қорайтириб юборган эди. Шундан сўнг дарҳол мутасадди идоралар билан вазиятни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, қутқарувчи-ғаввослар кўмагида сув тагида қолиб кетган 16 та нефт қудуғи бутунлай ёпилди.

Таъкидлаш лозимки, қутқарувчи-ғаввосларимиз ҳамиша ёрдам беришга шай. Аммо барибир эҳтиёт бўлган яхши. Зеро, инсоннинг ҳаёти биринчи галда унинг ўзи учун қадрлидир.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **«Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш».**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- *соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;*
- экотуризмни ривожлантириш;
- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;
- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан уй хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фойдаланиш;
- *чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;*
- биохилма-хилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;
- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётгани ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

*Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.*

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **“Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш”**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;
- ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;
- ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётгани ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): “100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй” манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

*Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.*

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

Жаҳон адиблари ҳаётидан

XX аср инсоният қалбини ларзага келтирган воқеаларга бойлиги ҳамда барча жабҳалардаги каби адабиётда ҳам дардкаш ва ўз ўқувчилари қалбига кира олган дилкаш адибларини кашф эта олгани билан тарих зарварақларидан жой эгаллади. Даврлар бўладики, жамият бағрида ўсаётган қобилият эгаларининг айримлари замондошлари назаридан четда қолади. Шундай бўлса-да, бу инсонлар кун келиб барибир эътибор топадилар.

КАФКА ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТЛАР

Франц Кафканинг пешонасига ёзилган қисмат унга тириклик чоғида обрў-эътибор олиб келмади. Адибнинг асарлари ва қобилиятига нисбатан талабчанлиги ёки таъбир жоиз бўлса, бироз ноҳақлиги яқин дўсти ҳамда ижод меросининг бошқарувчиси Макс Бродга нашр қилинмаган, жумладан, барча романларини ўлимидан сўнг йўқ қилишини топширганидадир. 1922 йил 29 ноябрда Бродга юборилган, Кафканинг ўлимидан сўнг "аниқ изланишлар"дан кейин топилган мактубда шундай ёзилади: "Ёзганларимнинг аксариятини "Ҳукм", "Ўтёқар", "Ўзгариш", "Жазо колонияси", "Қишлоқ врачи" китоблари ва "Очлик санъаткори" ҳикояси ташкил этади. Аммо менинг истагим шу 5 китоб ва бир ҳикоям қайта ҳаёт юзини кўрмасин, аксинча бутунлай йўқ қилинсинки, ўқишни хоҳлаганлар ҳам қайта қўлларига олиш имконига эга бўлишмасин".

Бугун эса шундай хулосага келиш мумкин: агар Макс Брод дўсти Франц Кафканинг истагини бажарганда дунё адабиётида катта йўқотиш содир бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Адиб ўз қўлёзмаларининг бир қисмини йўқ қилган бўлишига қарамай, дўстининг охирги илтимосини чин дилдан "бажарган" Макс Брод уларни (Кафка асарларини – А.Қ.) бир неча бор қайта нашр қилдирди ва жаҳон адабиёти деб номланган оилага янги фарзандларни тухфа қилди. Шу тариқа XX асрда Кафка тушунчаси ўқувчилар оммасига қайта тақдим этилди. Унинг асарлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ ва Францияда, 50-йилларда немисзабон мамлакатларда, сўнгра дунё бўйлаб танила бошлади.

Тадқиқотчилар XX аср Оврупа адабиётини "уч наҳанг" – Жеймс Жойс, Франц Кафка, Марсель Пруст кўтариб туради, дейишади. Ана шу "уч наҳанг"нинг бири – асли прагалик, бироқ олмон тилида ижод қилган Франц Кафка ҳам ўзбек адабиётчилари ва китобхонлари эътиборидан четда қолмади. Аммо унинг бир қатор новеллалари турли журнал ва газеталарда ўзбек тилида эълон қилинган бўлса-да, асарларига муносабат ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, аниқроғи, 1985 йили Франц Кафка ҳақида "Гулистон" журналида биргина эссе эълон қилиниши билан бошланди. Нега? Сабаб унинг асарларига аввал эътибор йўқлигидами ё асарларининг қийинлигидами ёки умуман тушунилмаганидами?

Бизнингча, гап Франц Кафканинг аслиятидадир. Қолаверса, адиб ижодидаги яна бир ўзига хослик унинг Достоевскийга "қариндошлиги"дир. Агар биз ўша Мирзакалон Жўраев томонидан эълон қилинган "Инсон изтиробларига таъзим" ("Гулистон" журнали, 1985 йил 5 –сон, 20 – 21 бетлар) номли эссега мурожаат қилсак, унда Кафка шахсияти ва ижодига доир йигирмата фактни алоҳида ажратиб олиш имкони борлигига гувоҳ бўламиз. Айнан биз танлаган фактни мустақилликдан кейин эълон қилинган бир қатор мақолаларда келтирилган мисоллар тасдиқлайди ва фикрларимизни тўлдириш имконини беради. Бу эса Франц Кафка ижоди ва асарларига билдирилган ҳамда билдириладиган муносабат, унинг асарлари каби замон ва маконда ўзига хос ҳамда ўзгармас эканидан далолатдир. Келинг, уларни биргаликда ўқиймиз.

XX аср адабиёти "даҳо"ларидан бири Ф.Кафка "Менинг турган-битганим адабиётдир" деб ёзади ўз кундаликларида. Бутун вужуди билан адабиётга сингиб кетган адибларнинг барчаси адабиётнинг дарғалари ёки устунлари саналадилар. Улар қанча умр кўрганликлари билан эмас, нималар ёзганликлари ва ҳақиқий қалам эгаси эканликлари билан такрорланмасдирлар. Адабиётнинг Кафка каби буюк истеъдод соҳибларига тақлид қилиш жуда мушкул. Ўзбек шоири Усмон Носирнинг "Юрак"и ҳеч кимникига ўхшамаганидек, Кафканинг "Жараён"ини ундан бўлак ҳеч ким бошқара олмаслиги фикримизнинг исботидир.

Ўз оиласига ёт бўлган адиб – Франц Кафканинг отаси яҳудийларга хос уддабуронлик билан ҳунармандликдан кичик фабрикантликка кўтарилади. Айнан ана шу уддабуронликнинг Франц Кафкада етишмаслиги унинг оиладан бегоналашувига олиб келади. Зеро, савдогарлик билан санъаткорлик ҳеч бир оламда чиқиша олмайди. Унинг оғайнилари бўлган, бироқ чин дўстлари бўлмаган. "Ўзимни тарк этишга ҳаққим йўқ, чунки мен шундай ҳам мутлақ ёлғизман", дейди Франц Кафка. Ўз уйида ҳам рўшнолик кўрмаган адиб дунёга ҳам сиғмади. Мажруҳ даврнинг ногирон чечаги – Кафка ўз даврининг, юртининг чин ва куюнчак фарзанди эди, ўз жигарбандларининг оғир қисмати ва мудҳиш истиқболидан оҳ чекиб, уларни фожиадан огоҳ этмоқчи, қутқармоқчи бўларди.

"Тушунмайман, тушуна олмайман, тушунишга ожизман, тушунишни хоҳламайман!" қабилидаги "жоҳилликка" сабаб бўлган Кафканинг ғалати асарлари нафақат ўзга халқ адабиёти ёки китобхони томонидан тезда илғаб олиниши қийин бўлган, балки ўз адабиёти ҳам унинг асарларини тушунишга бироз оқсаган. Ғайритабиий тасвир, ғайритабиий одамлар образи. Чунки адибнинг, Франц Кафка деган инсон зуваласининг ўзи ғайритабиий. Шуларнинг маҳсули ўлароқ, ёзувчининг бадиий тафаккури ғоятда ғайритабиий эканидан сира ажабланмаса ҳам бўлади.

XX аср модернизми сўзга сингдирилган кучланиш миқдори – асарларини тушуниш қийин дедик. Чунки Кафка насрини ўқиш жуда оғир. Улар эрмак ёки завқ учун ўқилмайди. Унинг асарлари адабиёт майдонидаги ғаройиб эҳромки, унинг бир ғишти суғурилса, иккинчиси таянчдан маҳрум бўлади.

"Қуёш остида ҳеч бир янги нарсанинг ўзи йўқ!" шиорига амал қилган ёзувчи Таврот, Инжил ва Қуръони Каримдан модернизмнинг ўзига хос белгиларини кўрсатиб бера олган. Кафка ўзи яшаб турган жамиятда бирор янгиликни кашф этмайди. Шунга қарамасдан ҳаётга тушкун кайфиятда эмас, балки уни ўз ҳолича тушунишга интилиш (толерант) муносабатида бўлади. Ёзувчи аҳён-аҳёнда ўз қалбига дунё ва жамият дардини жамлаб, бу дардни дурдона бадиий асар шаклида вужудидан чиқариб беради.

Ф. Кафка бир ойи кам 41 йил яшади. Ижоди мангуликка дахлдор бўлди, аммо уни сермаҳсул ижодкорлар қаторига қўшиб бўлмайди. У учта тугалланмаган роман – "Жараён", "Қалъа", "Америка", ўнлаб ҳикоялар ва ривоятлар муаллифи. Боқийлик таъминоти учун етарли! Зеро, кўмир тонналаб ўлчанса, марварид доналаб саналади. "Жараён" биринчи марта 1925 йили нашр этилган бўлса-да, айрим маълумотларга кўра, у 1914–1915 йилда, бошқа маълумотларга қараганда эса 1918–1919 йилда ёзилган. Ҳарқалай, Франц Кафка "Жараён"ни ёзганида 30–35 ёш орасида бўлган. Шу ёшдаги одам ҳаётнинг бу қадар мураккаб синоатларини қандай қилиб бир роман қаҳрамони тимсолида мужассам қила олди экан, деган савол ҳали-ҳануз дунёдаги кўплаб адибларни, мутахассисларни, адабиёт ихлосмандларини қизиқтириб келади, ўйга толдиради, баҳс-мунозарага чорлайди.

Кафканинг сўзлари тафаккур парвозининг шабадаси ёки қалб тўлқинлари ҳароратининг нафаси эмас, балки асаб таранглиги, қалб изтироби, руҳ зиддиятлари юкидан эзилган инсон юрагидан томчилаб чиққан дарднинг сўзлар билан ифода этилган шаклидир. Шунинг учун уларнинг вазни оғир. Кафка сингари шундай забардаст адиблар борки, улар ўз ҳаётларини қаттол ҳаёт зулматини олов-машъала, йўлчи юлдуз каби ёритишга бахшида этганлар. Уларнинг нурафшон ёғдуси камолотнинг сермашаққат, юксалтирувчи ёрқин маёқ сингари чарақлаб туради. Кафка зулмат ҳаётга олов-машъала бўлиб туғилди, чигал чангалзорлар ичра нурли сўқмоқ очиб кетди.

Юқорида зикр этилган Франц Кафка ҳақидаги тафсилотлар адиб асарлари ҳақидаги асл ҳақиқатнинг дебочаси. У ҳақида кичкина бир мақолада фикр юритиш анча мушкул. Бу йил таваллудига 130 йил тўладиган адиб даврлар ўтгани сайин қиймати ошадиган қимматбаҳо тош каби жаҳон адабиётидаги салмоқли ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Соддароқ гапирсак, Кафка ўзининг дардини, изтиробларини, туйғуларини ва ҳаётга бўлган муҳаббатини асарларига сингдирар экан, бир фикрни – инсониятнинг бор ғам-андуҳлари устидан фақатгина кулиш кераклигини айтади. Айнан шу фикрга асосланган Кафканинг қаҳрамонлари ҳеч бир жойда йиғлоқилик қилмайди ва китобхонни бўлар-бўлмасга кўз ёши тўкишга мажбурламайди. Кафка ижодини аслича тушуниш учун адабиётга чин ошно бўлиш ва ҳаётни борича қабул қилиш талаб этилади.

Абдулазиз ҚОСИМОВ,
тадқиқотчи

Молия муассасаларида

Реклама

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИ УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тобора ҳал қилувчи тармоққа айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, Республикамиз молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда қулай ишбилармонлик муҳити бугун жаҳоннинг нуфузли молиявий ташкилотлари томонидан бот-бот эътироф этилаётир.

Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларининг тадбиркорлигини ривожлантириш борасида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар эътирофга муносиб. Айни пайтда «Микрокредитбанк», Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида кўплаб тарғибот тадбирлари, семинарлар ташкил этиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ушбу лойиҳа доирасида 28 та тоғли, чегара ҳамда ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган тумандаги 67 та қишлоқ фуқаро йиғинида ана шундай тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида аёл тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, жумладан, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш мақсадлари учун 815,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Бундан ташқари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Хусусан, фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича мазкур Фонд билан ҳамкорликда тренинглар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди. Жорий йил якунига қадар 5 минг нафар тадбиркор ва фермер аёлга 22,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредит ажратилиши кўзда тутилган.

Қишлокда яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маиший уй-рўзғор буюмларига бўлган талабларини қондириш мақсадида жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 3,4 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредити ажратилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ва «Микрокредитбанк» биргаликда "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш лойиҳасининг 2-босқичи амалга оширила бошланди. Ушбу лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у қўлида ҳунари бўлган, ўзи маблағ топишни истаётган аёлларни бирлаштиради, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширади, маблағ жамғаришни ўргатади. Бу эса ҳар бир аёлнинг, демакки, ҳар бир оиланинг иқтисодий ҳаётига, фаровонлигига ижобий таъсир ўтказиши турган гап. Ушбу мақсадда банк мутахассислари томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида мамлакатимизнинг Конликўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳларининг билим даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилди. Гуруҳ аъзоларининг мақсад фаолиятлари йўналишидаги бизнес-режаларини ишлаб чиқишда амалий кўмак берилди. Гуруҳларга жалб этилган 500 дан ортиқ аёл ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Кредит олиш учун зарурий таъминотга эга бўлмаган ушбу аёлларга жорий йилнинг апрельмай ойлари давомида ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

Кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Халқаро тараққиёт уюшмаси, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт Дастурининг лойиҳалари ҳамда Германия жамғарма кассаларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Банк ахборот хизмати

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти 2013 йил 31 июль куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими балансидаги, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Таджикская кўчаси, 3-уйда жойлашган 1999 й. и\ч, д\р 10ВІ 335, бошланғич нархи 5260000 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қишлоғи, қизил Шалола жамоа хўжалигида жойлашган «Chinobod neft baza» Унитар корхонаси балансидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Промзона 17-мавзеда жойлашган 2002 й. и\ч, д\р 01607 JBA, бошланғич нархи 5999107,88 сўм бўлган, д\р 01609 JBA бошланғич нархи 6602183,68 сўм бўлган ҳамда 2005 й. и\ч, д\р 01633 JBA, бошланғич нархи 7661861,78 сўм бўлган учта «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 2020 8000 0049 3283 3001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар – паспорт тақдим этадилар. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин. Алоқа телефони (+998 93) 399-81-19, 388-69-96 электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаменти Тошкент вилоят худудий Бошқармаси балансидаги д\р 01/828 ССА бўлган «Нексия»-10700000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома №005414-05

Реклама

«TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосида «RESPUBLIKA MAXSUS ALOQA BOG`LAMASI» ДУК томонидан Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, академик Я.Ғуломов кўчаси, 2-уй мазилидаги; *1.* 1995 йилда и.ч, д/р 01 261 AAA, бошланғич нархи 2 756 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли, *2.* 1993 йилда и.ч, д/р 01 198 AAA, бошлангич нархи 2 584 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли, *3.* 1995 йилда и.ч, д/р 01 162 AAA, бошланғич нархи 2 782 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли ҳамда «INTERSERVIS» Республика хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий бирлашмаси-давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уй манзилида сақланаётган; *4.* 1997 йилда и.ч, д/р 01 470 JBA, бошланғич нархи 20 650 000 сўм булган, СИТРОЕН ХМ русумли, *5.* 2004 йилда и.ч, д/р 01 459 JBA, бошланғич нархи 44 850 000 сўм бўлган, УАЗ-31622 русумли ва *6.* 1992 йилда и.ч, д/р 01 536 GAA, бошланғич нархи 10 250 000 сўм бўлган, ГБА СНГ-ДАМАС русумли автомототранспорт воситалари қўйилмокда.

Аукцион савдоси 2013 йил 29 июль куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспортлар ушбу савдо кунида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Тел: 144-66-55, 233-33-37.

Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

«Асака» банк ОАЖ жамоаси

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа фидойиларини чин дилдан табриклайди.

Истиқлол туфайли бугун миллий матбуотимиз шаклланди. Эндиликда уларнинг жаҳонда ўз ўрни ва эркин сўзи бор. Бу, албатта, заҳматкаш қалам соҳибларининг шижоати ва давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган эътибор ва ғамхўрлигининг натижасидир.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳот ва бунёдкорлик ишларини бутун жамоатчилик ҳамда жаҳонга кенг тарғиб этиш йўлидаги ишларингизга барака, оилаларингизга тинчлик-тотувлик ва осойишталик тилаймиз.